БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши № 201 (11.950) | ЯКШАНБА СОНИ | 27 август 1961 йил. | Баҳоси 2 тийин.

БУГУН — ШАХТЁРЛАР КУНИ

СОВЕТ ШАХТЁРЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР БЎЛСИН!

ИССИҚЛИК ВА ЁРУҒЛИК ЯРАТУВЧИЛАР

Бугун — Бутуниттифоқ шахтёрлар куни! Ишчилар синфининг илғор отрядларидан бўлган шахтёрлар ўз традицион байрамлари кунида КПСС XXII съезди шарафига қўлга киритган дастлабки муваффақиятлари ғўғрисида рапорт бермоқдалар. Етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш ва коммунизм қурилишида актив иштирок этишдан иборат шарафли ишга баракали ҳисса қўшаётган саноатчилар армиясининг шахтёрлар гвардиясини бутун мамлакат эришилган муваффақиятлар билан чин кўнгилдан табрикламоқда.

Бу йил кончилар байрами Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг яқинда эълон қилинган янги Программаси ва Устави проектлари бутун мамлакатда кенг равишда муҳокама қилинаётган ва коммунистик жамият қуриш режалари аниқ-равшан белгилаб берилган кунларда нишонланяпти. Партия XXII съезди тасдиқига мамлакатда коммунистик жамият қуришнинг илмий жиҳатдан чуқур асосланган, иқтисодий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилган улуғвор плани тақдим этилади. Партия Программаси проектида уқтириб ўтилганидек, **«Партия ва совет халқининг асосий иқтисодий вазифаси икки ўн йиллик мобайнида коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришдан иборат».**

Мамлакатимиз кўмир саноатининг азамат ишчилари ва хизматчилари бутун совет халқи олдига қўйилган буюк ва шарафли вазифани амалга оширишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар. Ёқилғи қазиб чиқариш бундан кейинги йилларда ҳам тез суръатлар билан ривож топади. Халқ хўжалигимизнинг бундан кейинги ривожланишида, гуллаб-яшнашида асосий ёқилғи сифатида газдан кенг фойдаланилаётган бўлса ҳам, «қора олтин» — кўмирга бўлган талаб асло камаймайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистондаги кўмир конларидан ёқилғи қазиб чиқариш тағин ҳам кўпаяди. Кўмир қазиб чиқариш жараёнларини автоматлаш ва механизациялашга алоҳида эътибор берилмоқда ва бундан кейинги йилларда ана шундай тадбирлар янада кенг авж олдирилади. Оҳангаронни бутун мамлакат Ўзбекистоннинг кочегаркаси деб аташи бежиз эмас. Бу, республикамиздаги тўнгич ва бой кўмир конларидан биридир. Оҳангаронда кўмирни очиқ усулда қазиб чиқариш кенг қўлланилмоқда. Яқин икки йил ичида Оҳангарон кўмир конини реконструкция қилиш ҳамда ёқилғи қазиб олиш ҳажмини анча ошириш мўлжалланмоқда.

Шарқий — республикамизнинг жанубидаги Оҳангарон! Бу кон Ўзбекистон ва Тожикистон ССРнинг жанубий районларини кўмир билан таъминлашда катта роль ўйнамоқда. Бу ерда ҳар йили 500 минг тонна кўмир қазиб олинадиган бўлиши учун катта тайёргарлик ишлари олиб борилаётир.

Кўмирни тозалаш забойдан машина билан келтириш, саралаш ва ортишни узоқдан туриб бошқаришга ҳозирги вақтда алоҳида аҳамият бериляпти. Етти йиллик охирига борибо, бу кондан қазиб чиқариладиган кўмирнинг таннархи 50 процент арзонлашади ва меҳнат унумдорлиги ҳам ортади. Мавжуд икки кон — Оҳангарон ва Шарқий конларидан ёқилғи қазиб чиқаришда илғор иш усулларини дадиллик билан қўллаш ва иш жараёнларини зўр бериб автоматлаш ҳамда механизациялаш йўли билан 1965 йилга борибо республика бўйича кўмир қазиб чиқариш йилига 6,2 миллион тоннага етказилади. Бошқача қилиб айтганда, етти йиллик давомида «қора олтин» қазиб чиқариш 70 процент кўпаяди.

Бу албатта катта вазифа! Лекин етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш ва нурли келажагимиз—коммунизмни барпо этиш учун баҳодирона меҳнат қилаётган барча совет кишилари сингари республикамиз шахтёрлари ҳам ўз куч ва имкониятларини тўла ишга соладилар. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан кўрсатилаётган буюк ғамхўрликка жавобан янада ғайрат кўрсатиб меҳнат қиладилар.

Шахтёрлик мураккаб, сермашаққат, аммо шу билан бирга олижаноб касбдир. Никита Сергеевич Хрушчев кўмир саноати ходимларининг ажойиб меҳнатларига юксак баҳо бериб, бундай деган эди: **«Шахтёрнинг олижаноб меҳнати юксак ҳурматга сазовордир. Ер остида ишлаб, одамлар учун иссиқлик ва ёруғлик қазиб чиқараётган шахтёрлардан ҳар бир киши миннатдор бўлиши лозим».**

Шахтёрлардан юзларча кишига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган фахрий унвон берилган, минглаб шахтёрлар мамлакатнинг идора қилишда актив қатнашмоқдалар.

Донбасс ва Кузбасс кончиларининг Ўзбекистондаги касбдошлари бўлган Оҳангарон ва Шарқий шахтёрлар саккиз ойлик планни муддатидан илгари бажардилар. Планга қўшимча равишда кўплаб кўмир қазиб чиқарилди. Оҳангарон кўмир разрезининг кончилари олижаноб ҳиммат кўрсатдилар. Улар КПСС XXII съезда шарафига олган мажбуриятларини муваффақиятли равишда амалга ошириш учун дадил киришиб, ўз сўзларининг устидан чиқдилар: съезд шарафига олган мажбуриятларини орттириб бажаришни таъминладилар. Бу ерда йил бошидан бери пландан ташқари 90 минг тоннадан зиёдроқ ёқилғи қазиб олинди.

Ўзбекистон шахтёрлари орасида коммунистик меҳнат мусобақаси ҳар қачонгидан ҳам кенг қулоч ёйиб кетди. Коммунистчасига ишлаш ва яшаш учун кураш ўз самараларини бераётир. Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, механизация ва автоматизацияни кенгроқ жорий қилиш учун рационализатор ва ихтирочилар жон куйдириб ишламоқдалар. Шахтёрлар орасидан кўплаб ташаббускорлар етишиб чиқмоқда. Оҳангарон кўмир разрезида ишлаётган экскаватор машинисти Николай Хорошилов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси янгидан-янги ташаббусларнинг ташкилотчисидр.

Оҳангарон кўмир ҳавзасидаги 9- шахта аъзаматлари ҳам шахтёрлар мусобақасининг олдинги сафларида бормоқдалар. Коммунист ўртоқ Леонид Загорский бошлиқ бригада аъзолари ҳар бир минутдан унумли фойдаланиш натижасида йил бошидан бери пландан ташқари 1500 тонна кўмир қазиб чиқардилар.

Шахтёрларимиз эришган муваффақиятлар катта. Аммо, кўмир саноатимиз ишида бир мунча камчиликлар бор. Рационализаторлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилмаган. Янги техника ва илғор технология суст қўлланилмоқда. Шахта ва конларнинг маъмурияти, профсоюз ва комсомол ташкилотлари техника тараққиёти учун янада жадалроқ кураш олиб боришлари керак.

Совет кишиларининг бундан сўнгги вазифалари КПССнинг янги Программаси проектида ёрқин ифода этилган. Республикамиз кўмир саноати ходимлари ҳам барча куч ва имкониятларини коммунизм қуришдан иборат шарафли ишга тўла сафарбар қиладилар ва етти йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун курашаётган шонли ишчилар синфининг олдинги сафларида борадилар.

ҚАЛБ ДАЪВАТИ

Разрезимиз коллективи экскаваторлар қудратидан мумкин қадар самарали фойдаланиш учун интилиб, янги-янги ташаббуслар бошлаяпти. Шахтёрлар даврасида меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига смена топшириқларини белгиланганидан бир соат илгари бажариш ва қолган вақтда планга қўшимча равишда кўмир қазиб чиқаришдан иборат ватанпарварлик ҳаракати авж олиб кетди.

Шу ва бошқа резерврларни ишга солиш, ташаббускорлик кўрсатиш натижасида разрез ишчи-хизматчилари социалистик мажбуриятларини барвақт адо этишга муяссар бўлдилар. Шу кунгача пландан ташқари 90 минг тонна кўмир қазиб чиқарилди.

Бутуниттифоқ шахтёрлар куни арафасида байрамга олган мажбуриятларимиз қандай бажарилганлигини якунлашга бағишланган йиғилиш бўлди. Кончилар берилган ваъда ортиғи билан бажарилганлиги ҳақида рапорт бериш билан бирга, КПСС XXII съездга очилиш кунигача яна 20 эшелон кўмир қазиб жўнатишга аҳд қилдилар.

Коллективнинг бу катта ғалабасига бизнинг бригадамиз экскаваторчилари ҳам айтса арзигудек ҳисса қўшдилар.

КПССнинг янги Программаси проектида коммунизм қурилишининг ажойиб режалари чизиб берилганлиги бизни беҳад қувонтирмоқда. Партия Программаси биз шахтёрларни тағин ҳам зўр ғайрат-шижоат кўрсатиб ишлашга илҳомлантиряпти. Биз коммунизмни баракали меҳнатимиз билан барпо этамиз! Қалб даъвати — шу!

Х. АЛИҚУЛОВ.
Оҳангарон кўмир разрезининг экскаватор машинисти, коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси.

ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Тошкент темир йўл коллективи съездолди мусобақасига қўшилиб, 8 ойлик юк ортиш планини муддатидан бир ҳафта илгари ортиғи билан бажарди. Темир йўлнинг Фарғона, Коғон, Сталинобод бўлинмалари коллективлари социалистик мусобақада яхши натижаларга эришдилар.

Магистрал коллективи ой охиригача планга қўшимча равишда юз минглаб тонна халқ хўжалиги юклари ортиб жўнатиш мажбуриятини олди.

МАМЛАКАТГА КЎПЛАБ КЎМИР ЕТКАЗИБ БЕРАЙЛИК

Оҳангарон кўмир разрезида одимловчи экскаватордан яхши фойдаланилмоқда. Бу янги техникани пухта эгаллаб, ундан самарали фойдаланишда разрезининг ўртоқ Майнус Жумаев бошлиқ экскаваторчилар бригадаси коллективи алоҳида ўрнак кўрсатиб ишлаяпти. Биринчи суратда (чапдан ўнгга): илғор бригада аъзоларидан экскаватор машинисти М. ЖУМАЕВ, электрик П. ДРУЖИНИН, экскаватор машинистининг ёрдамчиси В. БАТИШЧЕВ ва кон ишчиси Ҳ. ИБРОҲИМОВ ўртоқлар.

А. Заблоцкий фотоси.

ШАХТЁРЛАР СУЗИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди очиладиган кун яқинлаша борган сари шахтамиз коллективининг меҳнат-ғайрати тобора авж олмоқда. Съезд олди вахтасида туриб фидокорона меҳнат қилаётган шахтёрларимиз йил бошидан бери планга қўшимча равишда 19 минг тонна кўмир қазиб чиқардилар. «Қора олтин»нинг таннархи бирмунча камайди. Материал ва ускуналар тежаб-тергаб сарфланмоқда. 7 ой мобайнида 500 кубометр тахта тежаб қолинди.

Шу кунларда «Мосбасс» машинасини ишлаб чиқаришга татбиқ этишга тайёргарлик кўряпмиз.

Бутун коллективимизнинг диққат эътибори меҳнат унумдорлигини янада ошириш, қазиб чиқарилаётган кўмир таннархини арзонлаштиришга қаратилган.

9- шахта 1962 йилга келиб сердаромад корхонага айланиб қолади ва биз давлатдан дотация олмай ишлаймиз!

Бизнинг қатъий аҳдимиз, қатъий сўзимиз ана шу!

А. ЕРМАКОВ,
9- шахта слесари.

САМИМИЙ ТАШАККУР

Совет фани ва техникасининг янги буюк ғалабаси — майор Герман Степанович Титовнинг «Восток-2» йўлдош кемасида 25 соат давомида космосда учиб, инсоннят тарихида мислсиз жасорат кўрсатганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети жуда кўп қутлов ва табриклар олдилар.

Мамлакатимизнинг давлат, партия, жамоат ташкилотларидан, завод ва фабрика, колхоз ва совхозларнинг коллективларидан, фан, маданият ва маориф арбобларидан, айрим гражданларидан, чет элларда ги коммунистик ва ишчи партиялардан, спесий, касаба союз, фан арбобларидан ҳамда хусусий кишилардан олинган самимий табриклар ва қизғин қутловлар Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг бутун инсоннятнинг тинчлиги ва тараққиёти манфаатлари йўлида космик фазони ўзлаштиришдаги ғоят буюк муваффақияти эътироф этилганлигидан далолат беради.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети барча давлат, шунингдек партия, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотларига, мамлакатимизнинг ва чет элларнинг барча гражданларига уларнинг совет халқига йўллаган табриклари ва яхши тилаклари учун самимий ташаккур изҳор қиладилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ | СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ | СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ПАХТА ТЕРИМИ АВЖ ОЛМОҚДА

ПОПЛИКЛАР ТАШАББУСИГА ҚУШИЛИБ

БЕШКЕНТ. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). «III Интернационал» колхозининг пахтакорлари давлатга 1400 тонна «оқ олтин» сотиш юзасидан олган мажбуриятларини шараф билан бажариш учун курашиб, пахта йиғим-теримини кучайтириб юбордилар. Шу кеча-кундузда 550 колхозчи пахта теряпти. Улар Фарғона область, Поп райони меҳнаткашларининг ташаббусига қўшилиб, йиллик планни 1 октябрга, мажбуриятни эса КПСС XXII съезди очиладиган кунгача бажариш учун бел боғладилар. Теримчиларнинг ҳаммаси кўпмиг килограммчилар ҳаракатига қўшилган. Фозилой Турсунова ва Зайнаб Файзиева каби ўнлаб чеварлар ҳар куни 100-120 килограммга етказиб пахта теришяпти.

Колхознинг Шодиқулов, Файзиев ва Азизов ўртоқлар бошлиқ пешқадам бригадаларида кунлик терим графиги анча ошириб бажарилмоқда. Бу бригадаларнинг аъзолари теримнинг биринчи куниданоқ соатлик график асосида ишлай бошладилар. Терилган пахтани далада хирмонларга ташиб келтириш учун махсус кишилар ажратилди. Теримчилар учун яхши маданий-маиший шароит яратиб берилди.

ЯНГИ ҲОСИЛДАН ПАХТА ТОЛАСИ

ҚЎҚОН, 26 август, (ЎзТАГ). Қўқондаги 1- пахта заводи Фарғона областида биринчи бўлиб ва ўтган йилдагидан икки ҳафта илгари янги ҳосилни қайта ишлашга киришди. Пахтани бу заводга Поп райони колхозлари қизил карвон билан етказиб бердилар. Бугун завод Москва атрофидаги тўқимачилик корхоналарига дастлабки юз тонна юқори сифатли тола ва линт жўнатди.

МЕХАНИК-ҲАЙДОВЧИЛАРНИНГ АҲДИ

МАРҒИЛОН. Калинин номли колхозда 500 гектар ердаги ҳосил машинада териб олишга ажратилган. Бу майдондаги ғўзалар машина теримига мослаб парвариш қилинди ва мўл ҳосил етиштирилди.

Колхоз механизаторлари 8 та терим машинасини, 4 та қўсак чувиш агрегатини вақтида сифатли ремонт қилиб, мавсумга тахт қилиб қўйдилар.

Турсунойчилар сафига қўшилган Дилбархон Юсупова бу йил биринчи марта терим агрегатини бошқаради. У машинада 150 тонна пахта теришга сўз берди. Тўланбой Сотиболдиев, Раҳмон Йўлдошев, Узоқбой Аҳмаджонов ўртоқлар ҳам машина теримини бошлашга шайланиб турибдилар.

М. СОЛИЕВ,
М. ДАДАЖОНОВ.

«ОҚ ОЛТИН»ИМИЗ — ОНА-ВАТАНГА!

ПИСКЕНТ ВА БЎКА ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ҚИЗИЛ КАРВОНЛАРИ

ПИСКЕНТ (Тошкент области), 26 август. (ЎзТАГ). Бугун Пискент райони қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг тантанали байрами. **Улар Тошкент областида биринчи бўлиб янги пахта ҳосилидан қизил карвон ташкил қилдилар.** Калинин номли, Тельман номли, Сталин номли, «Гулистон» колхозлари, «Пискент» совхози давлат тайёрлаш пунктига **100 тонна «оқ олтин» етказиб бердилар.**

Шу муносабат билан бўлиб ўтган митингда сўзга чиққан район партия комитетининг секретари ўртоқ Юнусов айтдики, Пискент пахтакорлари КПСС XXII съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақага қўшилиб, мўл ҳосил етиштирдилар. Бу ҳосил давлат планнинг тўла бажарилишини таъминлабгина қолмай, балки олинган социалистик мажбуриятни ошириб бажариш учун ҳам етарлидир. Бу йил район меҳнаткашлари Ватанга 25 минг тонна пахта берадилар.

Улар поплиқлар ташаббусига қўшилиб, давлатга **пахта сотиш йиллик планини партия съезди очиладиган кунгача, социалистик мажбуриятни эса Улуғ Октябрнинг 44 йиллигигача бажаришга қарор қилдилар.**

Пахтакорлар шу кунларда далаларда зўр ғайрат билан ишламоқдалар. Коммунистик жамият қуришнинг КПСС Программаси проектида баён этилган улуғвор планидан илҳомланган меҳнаткашлар пахтани қисқа муддатларда ва нобуд қилмай териб олишга интилмоқдалар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳаким Қодиров, шунингдек Ҳамдам Султонов, Акрам Исоев бошлиқ ва бошқа кўпгина илғор бригадалар теримни кучайтириб юбордилар.

Биринчи куниёқ ўнлаб терим чи ўрнак кўрсатди. Калинин номли колхоз теримчиси Каромат Бўронова кун сайин 200 килограммдан ошириб пахта термоқда. Сухсур Ўразова, Ҳалима Исоқулова ва бошқа моҳир теримчилар ҳам пахтани жадал термоқдалар.

...Пискент тайёрлаш пункти дарвозасининг тепасида «Хуш келибсиз!» деб ёзиб қўйилган. Қизил карвонларнинг 60 автомашинаси дарвозага бирин-кетин киради.

Районда 6500 гектар ердаги ярим бутун пахта майдонининг ярмидан кўпроқ қисмидаги ҳосил машинада теришга ажратилган. Механизаторлар 7 сентябрда ғўза баргини тўктира бошлашни ва 17 сентябрда машина теримига киришни мўлжаллайдилар. Пахта терадиган 88 агрегатнинг ҳаммаси тахт қилиб қўйилган. Машиналар ишга тушиши билан пахта теришсуръати янада тезлашади.

БЎКА (ЎзТАГ). Бугун Бўка райони пахтакорлари қизил карвон уюштириб, давлатга **130 тонна «оқ олтин» етказиб бердилар.** «Ленин йўли», Вильямс номли, Мичурин номли, «Ленинобод» колхозлари, «Бўка» совхози ва бошқа хўжаликлар терилган пахтанинг дастлабки тонналарини топширдилар.

Районда ҳозир пахта теримида 2 мингдан ортиқ киши қатнашмоқда, **ҳар бир теримчи кунига ўрта ҳисобда 60 килограммгача пахта термоқда.**

Район меҳнаткашлари партия XXII съездини янги муваффақиятлар билан кутиб олиш, ўз мажбуриятларини шараф билан бажариш учун бутун кучларини сарф қилмоқдалар.

СУРАТДА: Пискент пахтакорларининг қизил карвони.

Қ. Розиқов фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

СИЛОС—ГУШТ, СУТ, ЁҒ

Ўзбекистон ССР колхоз ва совхозларида силос бостиришнинг борили ғўғрисида 25 августгача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бажарилиши
Тошкент	39,3
Андижон	32,7
Сурхондарё	22,7
Хоразм	21,6
Фарғона	18,4
Самарқанд	14,5
Бухоро	13,2
Қорақалпоғистон АССР	7,5

XXII съездидан олдинги ишлар

КПСС ПРОГРАММАСИ ВА УСТАВИ ПРОЕКТЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

ЕРНИНГ ВА ҚУЁШНИНГ СУНЪИЙ ЙЎЛДОШЛАРИ, ҚУДРАТЛИ КОСМИК РАКЕТАЛАР ВА ПЛАНЕТАЛАРАРО КОСМИК КЕМАЛАР, АТОМ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИ, СОВЕТ ҚИШИСИНИНГ ДУНЁДА БИРИНЧИ БЎЛИБ КОСМИК КЕМАДА ЕР ҚУРРАСИ АТРОФИДА ЗАФАРЛИ ПАРВОЗ ҚИЛИШИ ҒАЛАБА ҚИЛАЁТГАН КОММУНИЗМ ИЖОДИЙ ҚУЧЛАРИНИНГ ТИМСОЛИ, БУТУН ИНСОНИЯТНИНГ ИФТИХОРИ БЎЛИБ ҚОЛДИ.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ПРОГРАММАСИ ПРОЕКТИДАН

ГАЗ САНОАТИ ВА ФАН

А. БАБАЕВ.

Ўзбекистон Фанлар академияси нефть ва газ конлари геологияси ва уларни ишга солиш институти директорининг ўринбосари, геология-минерология фанлари доктори

□ □ □

Табиий бойликлар коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда буюк аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам бу бойликлардан халқ ва Ватанимизнинг бахт-саодати йўлида максимал даражада фойдаланиш керак. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси проектида **«табиат ресурсларидан ҳар томонлама ва рационал фойдаланиш»** асосий вазифалардан эканлиги қайд этилган.

Ғарбий Ўзбекистонда, Бухоро ва Сурхондарё областлари территориясида мўл-кўл табиий газ конларининг топилганлиги сўнгги йилларда республика геология ташкилотлари эришган жуда катта муваффақиятдир. Тахминий ҳисобларга қараганда, табиий газнинг прогноз запаслари 1 триллион 300 миллиард кубометр келади; бу эса Ўзбекистон ССРни табиий газ олишда Совет Иттифоқида олдинги ўринни эгаллашини таъминлайди. Бу жуда катта бойлик фақат республикамизнинггина эмас, балки мамлакатимиздаги бошқа иқтисодий районларнинг ҳам ишлаб чиқарувчи кучларини ғоят юксалтириш учун жуда катта резервдир.

Республикамиз геологлари эришган муваффақиятлар шубҳасиздир. Ўлкамизда нефтчи мутахассисларнинг жуда катта армияси етишиб чиқди. Йирик илмий-тадқиқот институтлари ташкил этилди. Бу илмий коллективларнинг вазифаси республикамиз ёнилғи конларини илмий жиҳатдан пухта ўрганишдан, шундай қилиб, республикамиз бойлигини йил сайин ошириб боришдан иборат.

Фикримизча, илмий ташкилотлар олдида турган асосий вазифа — Ўзбекистондаги нефть ва газ конларининг пайдо бўлиш ва жойлашиш шарт-шароитларини ўрганишдан иборат.

Республикамизда учта мустақил нефть ва газ вилояти мавжуд. Булар Фарғона, Сурхондарё ва Бухоро-Хева нефть газ вилоятларидир. Қорақалпоғистон АССРнинг Уст-Юрт саҳросида геология-қидирув ишлари эндигина бошланди. **Биз Уст-Юрт саҳросини нефть ва газга истиқболли район деб ҳисоблаймиз.**

Фарғона нефть-газ вилоятида ёнилғи 50 йилдан бери қазиб олинмоқда 1944-45 йилларда бу райондан, айниқса, кўп нефть ва газ олинди. Чунки худди шу йиллари «Андижон», «Полвонтош», «Жанубий Оламушук» конлари очилган эди. Кейинги йилларда эса Фарғона нефть-газ вилоятидан ёнилғи қазиб чиқариш тобора камайиб кетмоқда. Қазиб олинаётган ёнилғи республика халқ хўжалиги эҳтиёжларинигина эмас, балки нефтни қайта ишлаш корхоналари эҳтиёжини ҳам тўла қондиролмаяпти.

Фарғона геологлари кейинги йилларда янги-янги конларни очганликлари ва эски конларда маҳсулдор (нефть ва газли) қатламларни топганликларига қарамасдан, аҳвол кескин ўзгаргани йўқ.

Кейинги вақтларда Фарғона нефть-газ вилоятидаги ёнилғининг потенциал запаслари тугаяпти, деган мулоҳазаларни эшитишга тўғри келмоқда. **Фикримизча, бу мулоҳазалар чуқур илмий далилларга асосланган эмас.** Шу муносабат билан фарғоналик геологларнинг иккита принципиал муваффақиятини эслатиб ўтаман: Фарғона геологлари яқиндагина бу вилоят учун ғоят бой запаса эга бўлган Шимолий Сўх ва литологик қатламли Галча газ конларини очдилар. **Шу муносабат билан таъкидлаб ўтмоқчиманки, ёнилғи конларининг «литологик тузоқ» деб аталадиган турларини қидириб топиш ҳозирги вақтда энг муҳим вазифадир. Бундай конларни Фарғона водийсида қидириб топиш мумкинлигини Галча кони тўла-тўкис исботлади.**

Фарғона нефть-газ вилоятида ёнилғи конларини ер юзасидан чуқурроқ жойлашган қатламлардан қидириш керак. Бу қатламлар 4-5 километр чуқурликда ётган бўлиши мумкин. Чуқур қатламларда ётган конларни разведка қилиш эндигина бошланяпти. **Чуқур разведка қудуқлари пармалаш учун ускуналар етишмаётганлигини жиддий қайд қилиб ўтамиз. Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгаши Фарғона нефтчиларини энг мукаммал пармалаш ускуналари билан таъминлаш чораларини кўрсин лозим.**

Сурхондарё нефть-газ вилоятидаги асосий ёнилғи манбалари палеоген қатламларига мансубдир. Очиғини айтиш керакки, бу қатламларда ёнилғи запаслари жуда оз. Аммо бу Сурхондарё нефть-газ вилояти халқ хўжалигимиз учун келажакда катта аҳамиятга эга бўлмайди, деган гап эмас.

Чуқур илмий таҳлил шуни кўрсатадики, қидирув ва разведка ишлари зарур кўламда бошлаб юборилса, Сурхондарё нефть-газ вилоятида учламчи, бўр ва юра қатламларида янги, алоҳида таъкидлаб ўтаманки, йирик конларни ҳам қидириб топиш мумкин.

1934-1937 йилларда бу вилоятда Хавдак, Кўкайти, Учқизил ва Ламмикор конлари очилди. Шундан кейинги йилларда қидирув ва разведка ишлари турли сабабларга кўра жуда сусайиб кетди. Шундай қилиб, ҳозир эксплуатацияда бўлган конларнинг запаси камайиб кетмоқда. Янги-янги майдонлар эса пармалаш ўтказишга тайёрланган эмас.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Ғарбий Ўзбекистонда ўтказилган қидирув ва разведка ишлари натижасида Бухоро-Хева нефть-газ вилояти очилди. Ҳозир бу ерда бутун дунёга машҳур бўлган Газли конидан ташқари Жанубий ва Шимолий Муборак, Шўрчи, Шўртепа, Қорабайир, Қизилравот конларининг ҳам топилганлиги қувончлидир.

Бухоро-Хева нефть-газ вилоятида табиий газнинг битмас-туганмас запаслари мавжуд эканлиги равшандир. Бу табиий бойликлардан халқ хўжалигимизнинг турли тармоқларида жуда кенг равишда қўлланиш имконияти туғиляпти. Шундай қилиб, республикамизнинг ёнилғи балансини тўблан қайта қуриш, Ўзбекистон учун янги бўлган газ, нефть ва кимё саноатининг турли тармоқларини зўр бериб ривожлантириш лозим бўлади. Бухоро «зангори ёнилғи»сини Ўрта Осиёнинг қардош республикалари ва Уралнинг саноат районлари олади.

Бу улуғвор ишларни амалга ошириш учун республикамизнинг геолог олимлари ҳам бир қатор жуда муҳим ва мураккаб илмий масалаларни ҳал қилишлари керак.

Бухоро-Хева вилояти учун нефть конларининг жойланиш қонуниятлари ва уларнинг газ қатламлари билан муносабатини аниқлаш катта илмий ва амалий аҳамиятга молик бўлган муҳим масаладир. Табиий газ пайдо бўлиши учун шароитлар нефтнинг вужудга келиши учун лозим бўлган шароитларга нисбатан турли-тумандир. Шу билан бир қаторда газ қатламларининг пайдо бўлиши нефтнинг пайдо бўлиши билан чамбарчас боғланган. Бу қонуният нефть ёки газ қатламларининг турли конларда турли қатламларга, бир коннинг ўзида эса турли қатламларга мансуб бўлишидан қатъи назар, ўз кучида қолаверади. **Бухоро-Хева нефть-газ вилоятида топилган газ қатламлари нефть қатламларига нисбатан бир неча юз марта кўпдир. Бу Бухоро-Хева нефть-газ вилоятида йирик нефть конлари очилмайди деган гап эмас. Бу вилоятдаги газ қатламлари газ компонентининг газ-сув-нефть аралашмасидан ажралиб чиқиши ва нефть-газ жамғариладиган ерларда тўпланиши натижасида пайдо бўлган бўлиши мумкин.** Аммо бу бизнинг прогнозимиз, холос. Бу мулоҳазани илмий далилга айлантириш учун **нефть, газ, сув қатламлари ва тоғ жинсларини геохимик нуқтан назардан** ҳар томонлама ва пухта ўрганиш зарур. **Бу масалани ўрганиш жараёнида нефть геологиясининг энг мураккаб ва чалкаш масаласи — нефть ва газнинг пайдо бўлиш масаласини ҳам ишлаб чиқишга тўғри келади.**

Геолог-олимларимиз шу мураккаб илмий масалани ҳал қилишга қодирдирлар. Бу эса республикамиз геология фанининг етуклигидан, унинг камол топаётганлигидан дарак беради.

Регионал геология сохасида ишлаётган мутахассислар республикамизнинг структура-тектоник карталарини тузиш сохасидаги ишларини янада жадаллик билан давом эттиришлари керак. Бу карталарни тузишда палеогеографик реконструкция усулини кенг татбиқ этиш лозим. Бу масаланинг комплекс ҳал этилиши натижасида литологик, стратиграфик ва структура «тузоқлар» деб аталадиган нефть ва газли қатламларини қидириб топиш бирмунча осонлашади. Тектоник вазифаларни бажаришда палеоструктура анализидан махорат билан фойдаланиш лозим. Палеоструктурик анализ усулининг қиммати шундаки, у геологик структураларнинг тарихини очиб беради. Уларнинг пайдо бўлиш вақтини аниқлашга имкон беради. Бу эса нефть ва газ қатламлари пайдо бўлган даврни аниқлашга ёрдам беради. Шундай қилиб, чуқур қудуқлар пармалашга тавсия этиладиган структураларнинг нефть ёки газсиз чиқиб қолиш ҳолларига барҳам берилади.

Энди қидирув-разведка ишлари билан бевосита боғлиқ бўлган масалаларга тўхтаймиз. Бу биринчи навбатда қидирув-разведка ишларининг унумдорлиги масаласидир. Қидирув-разведка ишларининг эффективлиги икки асосий факторга боғлиқ. Нефть ва газ конлари қидириб топиш истиқболи бўлган янги-янги майдонлар ўзлаштирила борилгани сари чуқурроқда ётган қатламларни ёки юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, литологик ва стратиграфик «тузоқ»даги ёнилғи қатламларини қидириб топишга эҳтиёж ортиб бораверади. Бу «тузоқ»даги қатламларни қидириб топиш қидирув-разведка мақсадида ўтказилаётган пармалашнинг эффективлигини бирмунча пасайтириши равшандир. Шу билан бир қаторда «тузоқ» қатламларини қидириш мобайнида қидирув-разведка ишлари, пармалаш техникаси ҳамда муҳим назарий масалаларни ишлаб чиқиш такомиллашиб бораверади. **Фикримизча, Ўзбекистоннинг нефть ва газ вилоятларида «тузоқ»даги қатламларни қидириб топишга эътиборни кучайтириш керак.**

Республикамиздаги қидирув-разведка мақсадида ўтказилаётган пармалашнинг эффективлигини тўрт йўл билан ошириш мумкин:

1. Нефть ва газ конлари бўлиши нуқтан назаридан истиқболли бўлган районларни пухта ўрганиш йўли билан чуқур қудуқлар пармалашга тақдим этилаётган структураларнинг бўш (нефтсиз ёки газсиз) чиқиб қолиш ҳолларини мумкин қадар озайтириш.

2. Қидирув-разведка мақсадида пармалаш ишлари ўтказишга тайёрланган структураларнинг геологик жиҳатдан пухта тайёрланганлиги.

3. Ёнилғи конлар қидириб топишда қўлланилаётган турли (геологик, геофизик, геохимик) методларнинг эффективлигини ва техник жиҳатдан таъминлашишини яхшилаш.

4. Пармалаш техникаси ва разведка қудуқларини синаб кўришни тинмай такомиллаштириб бориш.

Ҳеч шубҳа йўқки, республикамизнинг кўпминг кишилик нефтчи-геологлари КПСС Программаси проектида кўрсатилган халқ хўжалиги аҳамиятига молик бўлган муҳим вазифаларни муваффақият билан бажарадилар.

Рассом В. Брискин. «ПРАВДА»дан.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти марксизм-ленинизм кафедрасининг мудири Н. И. Шульгина КПСС Программаси проектининг II қисмидаги «Партиянинг идеология, тарбия, таълим, фан ва маданият соҳасидаги вазифалари» деган бўлимнинг «А» пунктини **«Партия идеология ишининг барча формаларини такомиллаштира боради, совет кишиларини илмий коммунизм руҳида тарбиялашнинг янги формаларини қўллаб-қувватлайди ва ривожлантиради»** деган жумла билан тўлдиришни таклиф қилади.

ЛЕНИН БАЙРОҒИ Қарши районидаги Энгельс номли колхоз партия комитетининг секретари ўртоқ **М. Эгамов** КПСС Устави проектининг «Партия аъзолигига кандидатлар» бўлимига қуйидаги эслатмани киритиш зарур деб ҳисоблайди: **«Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг тошширғини аъло даражада бажарган, ўзининг буюк жасорати билан Ватанимизнинг шуҳратини оширган, снёсий жиҳатдан чиниққан ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси бўлишга муносиб эканлигини амалда исботлаган КПСС аъзолигига кандидатлар, юқори партия ташкилотларининг тавсиясига мувофиқ, КПСС аъзолигига муддатидан илгари қабул қилиниши мумкин».**

ЛЕКЦИЯ ВА СУҲБАТЛАР

⊙ Самарқанд давлат университетининг илмий ходимлари ва ўқитувчилари Ғаллаорол районидаги «Бахмал» совхозида турли тема лар да лекциялар ўқидилар. Ўртоқ Т. Абдукаримовнинг «КПСС Программаси проекти тўғрисида», фалсафа фанлари кандидати Р Каримовнинг «Марксизм-ленинизм классиклари дин ҳақида» деган темадаги лекциялари совхоз ишчиларида катта таассурот қолдирди.

Б. ХУЖАНОВ.

⊙ Андижон районидаги Киров номли колхозда 68 агитатор колхозчилар орасида КПСС Программаси ва Устави проектлари ҳақида суҳбатлар ўтказяпти. Агитаторлардан М. Йўлдошева, М. Шукуров, А. Йўлдошев ўртоқлар шу темаларда ўнга яқин суҳбат ўтказдилар.

Энгельс номли колхозда ҳам бу ҳужжатлар яхши пропаганда қилиняпти.

Р. КАРИМОВ.

☆ ☆ ☆

КОМСОМОЛЛАР ТАКЛИФИ

Андижон областининг йигит ва қизлари КПСС Программа ва Устави проектларини эҳтиёт қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Областнинг шаҳар ва қишлоқларида ҳозир 350 дан ортиқ пропагандист коммунизм қурилиши Программаси ҳақида ёшлар ўртасида лекция ва суҳбатлар ўтказмоқда.

Комсомол-ёшлар бу ҳужжатларни ўрганар экан, уни қизғин қўллаб-қувватлаш билан бирга ўз фикр ва мулоҳазаларини ҳам билдирмоқдалар. Андижон район комсомол комитетининг секретари Т. Қорабоева ВЛКСМ аъзоларига партияга ўтиш учун бошланғич комсомол ташкилотининг берган рекомендациясини шаҳар ёки район комсомол комитети тасдиқлаши шарт эмас деган фикрни билдирди. Бу ҳол, унинг фикрича, бошланғич комсомол ташкилотларининг у ёки бу комсомол аъзосига рекомендация беришда масъулиятини оширган бўлур эди.

Шу райондаги «Янгиобод» колхози комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи Ш. Тожиддинов партия ва комсомол йиғилишларини вақт-вақти билан бирғаликда ўтказиб туришни таклиф қилди. Шундай қоида КПСС Уставида акс эттирилса, дейди ўртоқ Тожиддинов, бу нарса ёшлар учун катта мактаб бўлур эди. Чунки улар коммунистлардан кўп нарсани ўрганиб оладилар.

РАҲБАРЛИК КОНКРЕТ БЎЛСИН

(НУКУС ШАҲАР ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН)

□ □ □

КОНФЕРЕНЦИЯ ўз ишини Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. Махмудовнинг КПСС Программаси проекти ҳақидаги докладини тинглаш ва муҳокама қилиш билан бошлади.

Докладчи ва музокарада қатнашган делегатлар ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигида КПСС Марказий Комитетининг Президиуми ишлаб чиққан, партия Марказий Комитетининг июнь Пленумда якдиллик билан маъқуллаган Программа проектининг оламшумул тарихий аҳамияти ҳақида ҳаяжонланиб гапирдилар.

Программа проектида коммунизм қурилиш соҳасида совет халқи олдида турган сиёсий ва хўжалик вазифалар белгилаб берилган. Автоном республика меҳнаткашлари бу вазифаларнинг шараф билан бажарилишини ва коммунизм қурилишига муносиб ҳисса қўшишни ўзларининг муқаддас бурчи деб биладилар.

Делегатлар КПСС Устави проекти ҳақида шаҳарком секретари ўртоқ Митининанинг докладини тингладилар ва қизғин муҳокама қилдилар.

— КПСС Программасининг проекти, — деди делегат ўртоқ Сайимбоев, — давримизнинг қомуси, марксизм-ленинизм таълимотига қўшилган бебаҳо ҳиссадир. Биз, совет кишилари коммунизм ўз меҳнатимиз билан қурилишини яхши биламиз. Шунинг учун ҳам халқ хўжалигининг барча соҳаларида ғайрат билан меҳнат қилиб, бу жамият қурилишини тезлатамиз.

116-қурилиш трести, 1-қурилиш бошқармасининг бошлиғи делегат ўртоқ Амелин ўз сўзида КПССнинг Устави проекти партиямиз ҳаётининг қонуни эканлигини айтди.

Конференция Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси проекти ва Устави проектини бир оғиздан маъқуллаб, қарор қабул қилди.

Конференцияда шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ж. Жийемуротов шаҳарком ишининг фаолияти ҳақида ҳисоб берди.

Докладчи таъкидлаб ўтдики шаҳар саноат корхоналари, транспорт, қурилиш ташкилотларининг коллективлари КПСС XXII съезди шарафига қизғин давом этаётган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кўпайтирдилар. 7 ойлик маҳсулот тайёрлаш плани 102 процент бажарилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17 процент кўп маҳсулот тайёрланди.

Партия ташкилотлари мутахассислар ва ишлаб чиқариш новаторлари билан ҳамкорликда иш олиб бориб, саноат корхоналарини реконструкциялаш юзасидан белгиланган тадбирларни изчиллик билан амалга ошириятлар. Кўплаб янги машиналар, станоклар, асбоб-ускуналар ўрнатилиб, ишга туширилди. Мавжуд техника реконструкция қилинди. Натижада меҳнат унумдорлиги кўзда тутилгандан 2,5 процент ошди.

Ҳисобот даврида партия ташкилотининг сафи кенгайди, унинг ташкилотчилик роли янада ошди. Ишлаб чиқариш новаторлари, коммунистик меҳнат бригадалари аъзолари ва зарбдорларидан анча кўпи партия сафига қабул қилинди.

Ҳозирги пайтда партия ташкилотлари КПСС Программаси ва Устави проектларини меҳнаткашлар орасида кенг пропаганда қилмоқдалар. 27 агитпункт атрофига уюшган 1300 дан зиёд агитаторлар бу тарихий ҳужжатларнинг ҳар бир пунктини қунт билан меҳнаткашларнинг онгига сингдирмоқдалар. Малакали лекторлар ва докладчилар, партия, совет, комсомол, касаба союз ташкилотларининг раҳбар ходимлари меҳнаткашлар орасида сиёсий доклад, лекциялар билан чиқмоқдалар, суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Бироқ, эришилган ютуқлар билан бир қаторда жиддий камчиликлар ҳам мавжуд. Конференция делегатлари ана шу камчиликларни танқид ва ўз-ўзини танқид шиори остида очиб ташладилар. Шаҳардаги беш саноат корхонаси етти ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш планини бажармади. Шунинг оқибатида кўзда тутилгандан 394 минг сўмлик кам маҳсулот олинди. Ўртоқ Давлатмуродов директорлик қилаётган сут-мой заводи етти ойлик планни атиги 71 процент бажарди.

Делегатлар шаҳар аҳолисини чорва ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашдек ғоят муҳим вазифани ҳал қилиш лозим бўлган «Нукус» совхози фаолиятига батафсил тўхталдилар. Бу совхоз раҳбарлари аҳолининг чорва ва сабзавот маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда арзирлик иш қилмаяптилар.

— Коллективимиз, — деди мотор-ремонт заводининг слесари делегат ўртоқ Хўжаметов, — ойлик планларни муттасил бажариб келаётган бўлса ҳам, маҳсулотнинг сифатини яхшилашга етарли эътибор берилмаяпти. Натижада ўтган ойларда ремонтнинг сифати ёмонлиги ҳақида колхозлар ва совхозлардан анчагина шикоятлар олинди. Шаҳар партия комитети раҳбарлари ана шундай аҳволдан хабардор бўлганлари ҳолда, уни тузатишда амалий ёрдам бермайдилар.

Сўзга чиққан делегатлар сиёсий ва хўжалик қурилиш соҳасидаги эришилган ютуқларни таъкидлаш билан шаҳар партия комитета фаолиятидаги камчиликларни кескин танқид қилдилар.

Конференция муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

* * *

Шаҳар партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ўртоқ Ж. Жийемуротов шаҳар партия комитетининг биринчи секретари қилиб, М. Е. Лунев, У. Нурмаханова ўртоқлар шаҳар партия комитетининг секретарлари қилиб сайланди.

М. ТИЛОВМУРАТОВ

УЛУҒ ПАРТИЯМ

Номингни мадҳ этиб, тоғлардан ошай,
Зарафшон, Амудай мавж уриб, тошай,
Ёруг йўлларингга қалбимни тўшай,
Коммунизм қурувчи улуғ партиям.
Програма дилимиз ёлқини бўлди,
Бу ишинг маҳзилнинг яқини бўлди,
Коммунизм қуришнинг якуни бўлди,
Коммунизм қурувчи улуғ партиям.
Тоғ ошар йўловчи бизга қўноқдир,
Халқлар умид қилган чоғлар — бу чоғдир,
Толеи туташган элдар иноқдир,
Коммунизм қурувчи улуғ партиям.
Шунқорлар учқири юлдузни кўзлар,
Эр йигит бахтини элидан излар,
Партия халқимиз бахтини сўзлар,
Коммунизм қурувчи улуғ партиям.

Бу қўшиқни зоминлик Ярлақаб шоир билан Комсомол районида яшовчи **Каромат Бобоевалардан Ҳ. Рўзо** ёзиб олган.

ШАРҒУН—ЖАНУБДАГИ ОҲАНГАРОН

Республикамизнинг жанубида, юксак ҳисор тоғ тизмалари остида не-не бойликлар ястаниб ётганини ким билсин. Бу ерларнинг тупроғини олтин дейишади. Ҳа, шундай! Ўзбекистоннинг қардош Тожикистон билан туташиб кетган Амударё соҳиллари олтиндек бойликлар макони. Текис ва унумдор ерларда кенг пахтазорлар, мевали боғлар, яйловлар бор. Тоғ этакларидан эса, қимматли бойликлар қазиб олинмоқда.

Сариосиё районидаги Тоғчиён қишлоғи кончилар шаҳарчасига айланган. Бу ерда, иссиқлик бериш даражаси Оҳангарон кўмирига қараганда икки мартадан ҳам ортиқ бўлган сифатли «қора олтин» қазиб чиқарилмоқда.

Шарғун кўмир ҳавзасининг тўла қувват билан ишга тушириллганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо бу ерда улкан ишлар қилинди. Илгариги Тоғчиён қишлоғида ва унинг атрофида кўп қаватли иморатлар қурилди. Тоғ оралари кенг равон йўллар очилди, янги замонавий Бойсунобод посёлкаси ва Юқори ҳам Қуйи социалистик шаҳарчалар бунёдга келди.

Халқ хўжалигининг Шарғун кўмирига бўлган эҳтиёжи кун сайин ошиб бормоқда. Шарғун кўмири қардош Тожикистон ва Туркманистон республикаларига ҳам юборилмоқда. Етти йилликнинг охирига бориб, Шарғунда кўмир чиқариш хозиргига нисбатан икки ярим-уч марта оширилади.

Шарғун кўмирининг асосий қисми аҳоли эҳтиёжини таъминлашга ва коммунал хизмат учун сарфланади. Конда қазиб чиқарилаётган кўмирнинг ўндан тўққиз қисми майда, кукун ҳолда қазиб олинаётир. Бу аҳоли талабини қондиролмайди, албатта. Шу сабабли кукун кўмирни брикетлаш вазифаси турибди. Ҳозир соатига икки тонна брикетланган кўмир чиқарадиган машина ўрнатилди. Яқин кунларда шундай машиналардан яна иккитаси ўрнатилади. Келгуси йилдан бошлаб эса, йилига 450 минг тонна брикетланган кўмир чиқарадиган катта, замонавий фабрика қуришга киришилади.

Кўмир чиқариш кўпая боради. Ҳозир коннинг иккинчи навбат қурилишида қидириш-лойиҳалаш ишлари олиб борилмоқда. Бу ишлар йил охиригача тугайди. 1962 йилда коннинг иккинчи навбати фойдаланишга топширилади. Коннинг иккинчи навбати йилига 200 минг тонна кўмир беради.

Кон қурилишида ишлаётган ишчилар ва мутахассислар ҳозирги замон илғор кон техникаси билан таъминланган. Ишчилар ва инженер-техник ходимлар олдида янги машиналар технологиясини мукаммал ўрганиб олиш, кўмир чиқаришни янада кўпайтириш вазифаси турибди. Смена бошлиқларидан тоғ техники Кривокоритов, проходкачилардан Половной, Муродов, Пильгуй, портлатувчи Одинаев, ёғоч ташувчи Ҳидиров, слесарь Абдурахмонов, Литвинов ўртоқлар ана шу талаблар асосида ишлаб, яхши натижаларга эришмоқдалар.

Шарғун конининг мамлакатимиздаги бошқа кўмир ҳавзаларидан фарқи ҳақида участка бошлиғи Шавкат Эгамбердиев бундай деди:

— Тоғчиёнда 22 километр нарида, тоғлар орасида қурилган кондан кўмир қазиб олинади. Қазиб олинган кўмирни яқин орадаги темир йўл станциясига етказиб бериш қийин ва мураккаб масала эди. Совет олимлари, инженер-техник ходимлари ана шу масофада осма сим йўли қуришни таклиф этдилар. Бу йўл қуриб битказилди. Йўлнинг узунлиги салкам 18 километр бўлиб, Совет Иттифоқида энг узун осма йўлдир.

Осма сим-канат йўлининг тоғ тепасидаги кўмир ортиш станцияси билан тоғ ёнбағридаги кўмир туширш станцияси орасидаги баландлик бир километр келади. Ҳар бир вагонеткага бир тонна-ю 250 килограмм кўмир ортилади. Ҳаммаси бўлиб осма сим-канат йўлида 400 га яқин вагонеткалар ҳаракат қилиб туради. Вагонеткалар орасидаги масофа 90 метр. Кўмир ортган вагонеткалар секундига икки ярим метр тезликда силжийди.

Шарғун конида қурилган осма сим-канат йўли иқтисодий жиҳатдан давлатга кўп фойда келтирди. Масалан, шу масофада ҳар бир тонна кўмирни автомашинада ташиш учун тахминан эски пул билан 50 сўм сарфланган бўлса, осма сим йўли ёрдамида ҳар бир тонна кўмирни ташиш учун сарф бўладиган харажат анча камайди; иш осонлашди ва суръат тезлашди. Осмо йўл қурилгунча, ҳар бир юк машинаси конга бир кунда 4-5 марта қатнарди. Қазиб чиқарилган кўмирни ташиш учун кўп машина талаб қилинар эди. Осмо йўл қурилиши билан кўмир ташишда банд бўлган машиналардан бошқа ишларда фойдаланиш имконияти туғилди. Бу ерда ишчи қучлари, запас қисмлар, пул маблағлари тежалаётганини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Шундай қилиб, осма сим-канат йўлида ҳар соатда 130 тонна кўмир ташилмоқда. Бир кеча-кундузда эса, 1 минг 400 тонна кўмир ташиш мумкин.

Бундан ташқари, осма йўлда ёғоч ташийдиган вагонеткалар ҳам ўрнатилган. Конга жуда зарур бўлган ёғоч-тахта илгаригидек автомашиналарда эмас, балки осма сим йўлида ташилаётир. Осма йўлнинг яна бир иқтисодий аҳамияти шундаки, унда электр қуввати кўп сарфланмайди. Вагонеткалар ҳаракат қилиб турганида, осма йўлда ўрнатилган электр двигателлар кўпинча генератор режимида ишлаб, ўзлари электр гармонига ток бериб турадилар. Осма йўл трассасида олтита станция бор. Ҳар станцияни тўрт киши боқкаради. Навбатчи слесарлардан Колотвинов, Эргашев, откатчиклардан Азимов, Юсупов, машинистлардан Махнов, Калинин ўртоқлар йўлни яхши эксплуатация қилишда намуна кўрсатмоқдалар.

Осма йўл ишчилари, инженер-техник ходимлари ўртасида рационализаторлар кўп. Кейинги ойларда илғор ишчилар ва инженер-техник ходимлар 23 та рационализаторлик таклифини тақдим этдилар. Бу таклифлардан 22 таси амалга оширилди. Участка бошлиғи ўртоқ Кормин-актив рационализаторлардан бири. Унинг таклифлари кўмир ташишни тезлаштирмоқда. Ўртоқ Кормининг таклифи билан кўмирни отвалдан осма йўл бункерига қайта ташиш ишлари механизациялаштирилди. Куркоянов, Копилов ўртоқлар бошлиғи участкалар коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли ном учун курашмоқда.

Шарғун кўмир кони коллективи партиямиз XXII съездини катта меҳнат совғалари билан кутиб олиш иштиёқида баракали меҳнат қилмоқда.

А. ЛУТФУЛЛАЕВ.

ҚУШГА ҚАНОТУ ИНСОНГА БАХТ!

ОЧЕРК

Йўлдош ШАМШАРОВ.

(«ҒУРУМСАРОЙЛИКЛАР» КИТОБИДАН ПАРЧА)

<>

Пахтачилик ишларининг бутун оғирлигини механизм елкасига ортиш керак, деганда унинг қишлоқ-ка нима олиб келиши уч-тўрт йил олдин ҳам Аҳмаджоннинг кўз олдида яхши гавдаланмасди. Энди, механизм елкасига ортиш деганда у қишлоқда ҳозиргидан тез, баркамол ҳаракатни, бу ҳаракатни йўллаб турган ғурумсаройликларни кўради.

Бу йилги терим мавсуми, унинг чамасига кўра, пахтачилик иши механизм елкасига тамом ортилган шу кунни яқинлатиш нуқтаси бўлиши, яъни умумий ҳосилнинг камида ўттиз-ўттиз беш проценти машина билан терилиши лозим. Бу воситани шу кунларда ғўза кўсаги ҳали садаф тишларини кўрсатмасдан тайёрлаб қўйиш керак. Агроном ва тажрибакорлар, механизатор ва колхоз «МТС»ининг ходимлари билан ҳозир бўладиган суҳбатда у шуни аниқлаб олади

Ғира-шира маҳал. Оқшом шабадаси ариқ бўйида оч бинафша ранг гуллаган ялпизнинг ўткир, хиёл туруш хидини димоққа келтириб уради, тераклар баргини аста тебратади, улар алланималар деб шивирлашади, Аҳмаджон йўл-йўлакай қулоқ солиб жилмаяди, одам англамайдиган, лекин айни вақтда сиҳргар шу садо ҳам ҳозир гўё унинг кўнглидагини куйлайди, уни шу изланиш йўлида дадил, шаҳдам қадам ташлашга йўллайди...

Қош қорайса ҳам Тўхтаназар билан Раҳимжон универсалларини тўхтатмабди. Ҳа, бугун шу ернинг ғўзасини культивациядан чиқаришади. Эрталабдан иккиси ҳам чеканка машиналарини ўрнатади. Ғурумсаройда ғўзани биринчи марта машина билан чеканка қиладилар. Одамлар беҳуда бўй чўзган ғўза шохлари учини қўл билан битталаб чилпишдан халос бўлади. Демак, энди қўл меҳнатининг бу жараёни ҳам тугайди

Сироб Усмонов билан Нурмат Нормирзаев прицеплар тиркалган икки машинада маккажўхорининг кўк поясини силосхонага юклаб ўтди. Колхоз бу йил саккиз-ўн минг тонна силос бостирянти. Шулар бўлмаса, шунча юкни аравада ташиб, уддалаб бўлармиди? Йўқ!

Қизиқ, яқингинада ҳам колхознинг ўз трактори, экскаватор ва бульдозери, грейдер ва канал қазийдиган машиналари бўлиши Аҳмаджоннинг ҳаёлига ҳам келмасди. Мана энди механизмнинг ҳамма хили колхознинг ўз ихтиёрида. Бир вақтлар бутун Поп районига хизмат қилган МТСда хозир Ленин номли колхоз трактор паркидагича мукаммал механизм йўқ эди-ку, ахир! Машинанинг бирор хилини ремонт қилишда колхоз хозир на РТСга, на заводга мурожаат қилади! Инженер ҳам, токарь, слесарь, сваркачилар ҳам — ҳаммаси колхознинг ўз аъзолари Аҳмаджон буни колхозни харакатга келтириб турган куч, Ғурсумсарой металлургия корхонаси дейди. Қишлоқни ҳам, одамларни ҳам ўзгартираётган омилнинг биттаси шу эмасми? Ҳа, шу! Меҳнатнинг ҳамма оғирлигини инсон елкасидан ўз елкасига оладиган фил шу. Демак, юкни шу фил елкасига ортишнинг бир куни ҳам бехудага ўтса, қадам сусаяди, истиқболга киёнат бўлади!

Аҳмаджон ана шу хаёл қуршовида идорага кириб келганда одамлар ҳали йиғилмаган эди. У дарпардаларни кўтариб деразаларни ланг очиб юборди. Гулзордан хушбўй, намхуш ҳаво ёпирилиб кириб, дим, аллақандай чучмал ҳавони ҳонадан қувиб чиқариб, ўрнида ўзи ҳукмрон бўлиб олди. Юк машиналари катта кўчани гурсиллатиб ўтяпти, узоқ-яқиндан мотоцикларнинг тарилаши эшитилади. Олисда айтилаётган қўшиқ, ёшларнинг кулгиси, бир-бирини чақиргани эшитилади. Аҳмаджон қишлоқ оқшомидаги бу ҳаракатга бир лаҳза қулоқ солиб турди-да нимагадир хушвақт жилмайди, кейин ўгирилиб стулга ўтирди, стол тортмасидан блокнот олиб варақлай бошлади. Аҳмаджон бирор яхши гап ўқиса, эшитса ҳикматли сўз тарзида шу блокнотга ёзиб қўяр эди.

«Маҳсулотни кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш шарти — ҳамма ишда машиналашга ўтиш».

Буни у Попдаги ўша лекция таъсирида ёзганмиди, ёки ўз доклад-суҳбатларидан бирининг хулосасими, ҳар қалай, ҳозир эслай олмади. Аммо кўнглида туғилган, ҳозир йиғиладиганларга айтиб бергиси келган фикр буни ўйлаб туришга эҳтиёж колдирмади. «Инсон асрлар бўйи излаган, кейин Ленин очиб берган, ҳаммага ёғиб ортадиган бахт йўли шу-да!.»

— Шундай экан, ўртоқ раис,— деди ўзи билан ўзи баҳслашиб, — бу йўлда қилинган, ҳали қилинмаган ишларни тарозида тортиб кўрингчи, қайси бири кўп тош босаркин? Хўш? Масалан, ўтган йили пахтанинг йигирма беш процентини машинада тердик, холос. Кам-а? Жуда кам! Масалан, сизга яна бир мисолни айтай: Меликўзи бригадаси ўтган йили механизмни ишга солиб, бир центнер пахтани янги пул билан ҳисоблаганда беш сўм-у тўқсон тийинга тушириган бўлса, баъзи бригадаларда шу пахта ўн тўрт ярим сўмданга тушди. Бу йил эса у...

— Доклад жуда зўр-ку, раис. Юз килограмм тўрт ярим-тўрт сўмдан бўлади, деб дадил айтаверинг, — деди биров.

Аҳмаджон шу ёққа қаради. Меликўзи эшикни қия очиб, жилмайиб турар, унинг кетида Парпи, Деҳқон, Маннон бир-бирининг елкасидан бўйин чўзиб, ичкарига қулоқ солишарди.

Бригадирлар, Мирзаабдулла бошлиқ механизаторлар, МТС ходимлари, агроном Раҳматуллаев бошлиқ хашаротга қарши курашувчилар, сувчилар кириб қатор ўтиришди. Улар кетидан Ўлмас бува билан Акбар ака кирди. Ёшлар туриб, уларни тўрга ўтказишди.

— Гапга мишайт қилмайлик деб Ўлмас ака билан ташқарида ўтираверибмиз-а, — деди Акбар ака кулиб, улфати ёнига ўтирар экан. — Раис бўлса...

— Ҳа, раис ҳаммага зарур гапни мияда маҳкамлаётган экан, — деди Меликўзи. — Жуда зарур гап... Қани, бу ёғини ҳам эшитайлик.

— Гап нима устида бўларди, машинангнинг ташвиши-да, шер,— деди Аҳмаджон Меликўзининг луқмаси ғўё уни ноқулай аҳволдан қутқазди, фикрини сухбатни шу йўсинда давом эттиришга бурди:

— Биласизларми, — деди у гапида давом этиб, — шу механизация областда биринчимиз деб юраверибмизу мундоқ разм солиб карасам қадамимиз ҳали тетапоя қадамга ўхшайди. Ҳайрон бўлманглар. Тўғри гап шу. Масалан, Меликўзи тўрт ярим сўм сарфлаб бир центнер пахта етиштирамиз, деб турганда бошқалар ўч сўмни оз деяпти, ахир! Бу бизнинг қадамимиз эмас. Ўзимизни пешқадам хўжалик деб танитган эканмиз, бизнинг қадамимиз қўшиларга ибрат бўлсин. Ё чаккими ўртоқ агроном? — деди у Раҳматуллаевга қараб

— Шундай қилмасак, намуна бўлолмаймиз, — деди агроном.

— Ҳа, баракалла, шундай экан, бу йил хосилнинг камида ўттиз беш процентини машинада териш бизга ҳам фарз, ҳам қарз. Чунки назаримда биз ҳали ҳам жуда секин силжияпмиз... жуда...

— Тез юргиси келган одамга шундай туюлади. Қадамнинг секин ё тезлигини билиш учун бугунгини ўтгандагига таққослаш керак, — деди механизация бўйича раис ўринбосари Мирзаабдулла Ҳамроқулов. — Қишлоққа янги трактор миниб келганимиздаги гапни эсласам кулгим қистайди. Тупроқни бузади, еримга киритмайман бунингни, бу кирган ерда экин битмасмиш, деб бизга ўшқирган, ҳатто трактор йўлига ётиб олган ўша деҳқон, ҳозирги иззатли кексаларимиз буни яхшироқ билади. Ёки «универсал» янги чиққан йилларда механизаторнинг кечирган қийинчилигини олиб кўринг. Ахир, ажабтовур раислар ҳам, ғўзани ўлдиради, деб тракторимизни қантартириб қўйгани эсимизда-ку. Иннай кейин шу терим машинасини пахтазорга киритиб олиш осон бўлдими, ахир? Секин деб ўша қадамни айтса бўларди. Мана энди эса..

— Йўқ, ўртоқ инженер, — деди Аҳмаджон, — гапингиз тўғри-ю, хулосангиз чатоқроқ. Нимага дейсизми? Мана эшитинг: ўтмишдаги қийинчиликни билган, мавриди келса эслаган яхши... Лекин эндиги вазифани ўша қийин қадамни кўзда тутиб эмас, йўқ, имконият билан қилинадиган ишни кўзлаб белгилаш лозим. Сиз айтган йўлдан борадиган бўлсак, ўзимизни аллалаймиз, қадамимиз секинлашади. Ё чаккими?

(Давоми тўртинчи бетда).

Бир композитор ўртоғимга

Собир АБДУЛЛА

Тинглаб куйингни, таҳсин этиб, соз десин ҳама,
Тебранмак ила тўймай унга, оз десин ҳама,
Дард кўрмасин қўлниг, яна куй ёз десин ҳама,
Қарсак урарда, чал яна, боз-боз десин ҳама.
Ўртоқ, шу хилда куй яратиб, халқни қил ризо!

Халқ олқишига бўлмоқ эса мақсадинг эга:
Айланса яхши музика, шеър халқнинг мулкига,
Ижод этишда халқ дидидан турмагин чека,
Элдан узоқда куй яратиб, қолма кулгига,
Ёз куйларингни, халқ дидини ўйлашиб расо!

Куй маъносида бўлса улуғвор тушунчалар,
Силлиқ ёзилса, бўлмаса лосу тугунчалар,
Булбул бўлишда жўр унга, барг ёзса ғунчалар,
Шундай асарни халқ севадир, бўлса шунчалар,
Ўлмас бу куйни тинглаш ила халқ берур баҳо!

Тўхталма тўртта куй яратиб, ёз яна-яна,
Ҳар қанча бўлса кую кўшиқ оз, яна-яна,
Ижодда, игна ила қудуқ қаз яна-яна,
Меҳнат қилинса унга узоқ: соз яна-яна,
Олма кўнгулга дўст сўзини, сенга илтижо!

Яхши асар жаҳонда қолиб, халқ билан яшар,
Номинг ҳамиша ёдлануру ҳурматинг ошар,
Халқнинг дилига яхши асар тезда ўрнашар,
Олқишлашар йигиндагилар, сени сўзлашар:
— Кам бўлма! Халқнинг севгани шу! Бу ишинг бажо!
Ташла ғурурни, халққа ишинг ёққунича то!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси проектидан руҳланган Бекобод металлургия заводининг ишчи ва инженер-техник ходимлари шу кунларда янада унумлироқ ишламоқдалар. Прокат цехидаги Қурбонали Тошматов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси коллективи смена топшириқларини ошиғи билан бажариб, партия XXII съездига муносиб меҳнат совғалари тайёрламоқда. СУРАТДА (чапдан ўнгга): шу илғор бригада аъзоларидан Қурбонали ТОШМАТОВ, Ёқуб МУХЧИЕВ ва Айдер ИСМОИЛОВ ўртоқлар.

И. Глауберзон фотоси.

БУХОРО ОБЛАСТИДА

КОЛХОЗЧИ СПОРТЧИЛАР

Шофирон районидаги «Коммунизм» колхозида физкультура ва спорт ишлари яхши ташкил қилинган. Колхоз стадионида футбол, волейбол каби спортнинг турли турлари бўйича майдончалар мавжуд. Колхоз комсомол комитетининг ташаббуси билан барпо этилган спорт тўгараклари машғулотларига 250 дан ошиқ колхозчи-ёшлар қатнашади.

Колхоз футбол командаси икки йилдан бери область мусобақаларида биринчи ўринни эгаллаб келади. Яқинда Тошкентда ўтказилган мусобақада ҳам бу команда яхши натижага эришди. Команда колхоз ва совхоз спортчиларининг Москвада ўтказиладиган Бутуниттифоқ мусобақасига қатнашиши ҳуқуқини олди.

РАВОН ЙЎЛЛАР

Илгарилари табиий газ ўлкаси Газли посёлкасига бориш учун сал кам бир кун юрилларди, қум барханлари ва қиғир-қийшиқ йўлларни босиб ўтиларди. Энди қаҳроқ чўлда барпо этилган бу шаҳарчага енгил машинада Бухородан бир ярим соатда бемалол бориб-келиш мумкин.

Бухоро 10- йўл қурилиши райони коллективининг ташаббуси билан катта асфальт йўли муддатидан олдин қуриб битказилди. Шунингдек, Когон—Жарқоқ 40 километрли йўл ҳам битказилиб, фойдаланишга топширилди.

ТОЖИКИСТОН САНЪАТКОРЛАРИНИНГ КОНЦЕРТИ

Қардош Тожикистон санъаткорларининг Тожикистон ССР халқ артисти Аҳмад Бобокулов бошчилигидаги 12 кишидан иборат концерт бригадаси Бухоро меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатмоқда. Улар орасида Тожикистон ССР халқ артисти Барно Исҳоқова, хизмат кўрсатган артист Мирбобо Зиёев ва бошқа санъаткорлар бор.

МАКТАБ-ИНТЕРНАТЛАР

Областнинг шаҳар ва қишлоқларида мактаб-интернатлар тармоғи тобора кенгаётир. Когон, Навоий шаҳар ва Ромитан район марказидаги мактаб-интернат биколари қурилиб битказилмоқда. Бухоро районидаги «Янги турмуш», Навоий районидаги «Бухоро» ва Қоракўл районидаги «Октябрь» колхозларида ҳам ҳар бири 300 кишилик мактаб-интернат биколари қуришга киришилди.

ТУРСУНОЙЧИЛАР

Ғиждувон механизация билим юртида Шофирон, Вобкент ва Қизилтепа районидаги колхозлардан 71 хотин-қиз механик-ҳайдовчилар тайёрлаш курсида ўқиляпти. Шунингдек, Бухоро ва Навоий шаҳар билим юртлари қошида очилган қисқа муддатли курсларда ҳам кўплаб турсунойчилар ўқишни давом эттирмоқдалар.

КОМСОМОЛ ЗАРБДОР БРИГАДАСИ

Область комсомол комитетининг йўлланмаси билан Аму — Қоракўл канали қурилишига 200 комсомол келди. Булардан алоҳида комсомол зарбдор бригадаси ташкил қилинди.

Л. ЭРГАШЕВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

ЧОРВАЧИЛИККА МУНОСАБАТНИ ЎЗГАРТИРИШ КЕРАК

Хоразм области меҳнаткашлари 1960 хўжалик йилини муваффақиятли якунладилар. Область пахтачиликда республикадаги йирик областлар қаторидан жой олди. Жамоат чорвачилигини ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишда ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди.

Область чорвадорлари олдида турган бу йилги вазифа янада улуғвордир. Етти йилликнинг учинчи йилида 990 тонна гўшт, 31500 тонна сут, 357 тонна жун ва 4106 минг тонна тухум етиштирилиши керак. Бу мажбуриятни тўла ва ошириб бажариш учун областда ҳамма имкониятлар бор.

Пешқадам чорвадорлар мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, чорва маҳсулотларини ҳар йилдагидан ҳам кўп етиштирмоқдалар, гўшт, сут, жун, тухум сотиш давлат планларини, бу маҳсулотларни етиштириш юзасидан олган мажбуриятларни бирин-кетин бажармоқдалар, чорва молларни яхши парвариш қилиб, хўжаликка катта даромад келтирмоқдалар. Гурлан районидаги Сталин номли, Урганч районидаги «Пахтакор», Қўшкўпир районидаги Ленин номли колхозларнинг сут-товар фермалари йил сайин кенгайиб бормоқда, сигирларнинг насли яхшиланмоқда, улардан кўп сут соғиб олинмоқда.

Янгиариқ районидаги Нарзманов номли колхоз областнинг машъали ҳисобланади. Колхоз чорвадорлари чорвачиликни муттасил ривожлантирмоқдалар, унинг маҳсулдорлигини йил сайин оширмоқдалар. Улар молларнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бераётирлар. Колхозда бу йил 337 гектар ерга маккажўхори экилди, ҳар гектаридан 1200 центнерга етказиб кўкпоя олиш, ундан 25 минг тонна силос бостириш мўлжалланмоқда.

Бироқ, областдаги ҳамма колхозларда ҳам иш ана шундай яхши бораётгани йўқ. Илғор чорвадорларнинг иш тажрибаси кенг оммалаштирилмаётир. Жойларда чорва чиликка нотўғри муносабатда бўлиш ҳоллари юз бермоқда. Ишда кўзбўямачиликка йўл қўйилмоқда. Чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш учун мавжуд имкониятлар ишга солинмаяпти. Ана шундай хўжаликларда чорва маҳсулотлари кам етиштирилаётир, давлат планлари бажарилмай қолмоқда.

Хонқа райони олинган мажбуриятга кўра бу йил ўтган йилдагидан анча кўп чорва маҳсулотлари етиштириши керак. Бунинг учун районда ҳамма имкониятлар бор. Лекин мавжуд имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланиш тадбирлари кўрилмаяпти. Натижада чорвачиликни ривожлантириш, гўшт, сут, тухум етиштиришни кўпайтириш юзасидан олинган мажбурият қоғозда қолиб кетмоқда, давлат планларини бажариш орқага сурилмоқда Районда давлатга гўшт сотиш йиллик плани энди 53,9 процент, сут сотиш плани бор-йўғи 34,5 процент бажарилди.

Айрим колхозларда аҳвол янада ачинарли. Киров номли колхозда ҳар бир сигирдан энди 224 килограммдан сут соғиб олинди. Бу жуда шармандали бир ҳолдир. Колхозда пландаги 310 бош сигир ўрнига 244 бош сигир боқилмоқда. Бўрдоқига қўйилган моллар яхши боқилмаяпти. Уларга кўк ўт берилмайди, вақтида суғорилмайди, яхши парвариш қилинмайди. Шунинг учун ҳам моллар тез семиряпти. Бу ҳол маҳсулот таннархининг ошиб кетишига сабаб бўлмоқда. Гўшт ўтган йилдагидан икки баравар қиммат етиштирилмоқда. Бир дона тухум етиштиришга ўрта ҳисобда 16 тийин сарфланаётир. Колхоз раиси Отажон Йўлдошев чорвачилик ишларига яхши раҳбарлик қилмаётир. Молларнинг меҳр билан парвариш қилиниши учун курашмайди. У ваъдабоз бўлиб қолган.

Район партия комитетининг секретари Ўртоқ М. Худойберганов район партия ташкилотининг ўтган конференциясида қилган ҳисобот докладида Сталин номли колхоз раиси Нурулла Сандовнга кўкларга кўтариб мақтади. Ўртоқ Сандов бундан тескари хулоса чиқариб олди. У ўтган йилги ютуқлардан мағрурланиб кетиб, ўзини йўқотиб қўйди, ишга раҳбарликни бўшаштириб юборди. Бу эса колхозда чорвачиликнинг оғир аҳволга тушиб қолишига олиб келди, чорва маҳсулотлари етиштириш камайиб кетди. Колхоз давлатга гўшт сотиш планини атиги 22 процент, сут сотиш планини 18 процент бажарди.

Дурхоним Раҳимова раислик қилаётган «Хоразм» колхозида икки хил манзарага дуч келасиз. Область Советининг депутати Сора Ҳожиева сигирларни яхши парвариш қилиб, улардан кўп сут соғиб олишга эришмоқда. У, ўз боқимидаги 17 бош сигирнинг ҳар биридан ҳозиргача 1300 килограммга якин сут соғиб олди. Тўқай участкасида эса аҳвол бутунлай бошқача. Бу ерда сигирлар яхши боқилмайди, далаларга ҳайдаб қўйилади. Шу сабабли улардан жуда кам сут соғиб олинмоқда. Сигир соғувчилардан Гулжон Курбонова, Зулайҳо Ражабова ўртоқлар ҳар бир сигирдан бор-йўғи 150 килограммдан сут олдилар. Колхоз раиси ўртоқ Раҳимова тўқайдаги сигирларнинг аҳволидан хабар олмайди. Уларнинг яхши парвариш қилиниши учун зарур тадбирларни кўрмаяпти. Колхоз партия ташкилоти илғор сигир соғувчиларнинг иш тажрибаларини оммалаштиришни ўйламаяпти.

Ҳазорасп районида аҳвол бундан ҳам ёмон. Ўтган йили кўп колхозларда кўзбўямачиликка йўл қўйилди, етиштирилган маҳсулот ошириб кўрсатилди. Димитров номли, Ленин номли колхозларнинг раҳбарлари бозордан ёг, тухум сотиб олиб давлатга топширдилар. Баъзи колхозларнинг раҳбарлари бу йил ҳам шундай қилишни ўйлаётган бўлсалар керак, чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун жиддий курашмаётирлар. Оқибатда маҳсулот ўтган йилдагидан ҳам кам етиштирилмоқда. «Ленин йўли», Димитров номли, Сталин номли, Ленин номли ва «Коммунизм» колхозларида етти ой мобайнида ҳар бир сигирдан 152-179 килограммдан сут соғиб олинди. Карл Маркс номли колхозда ҳам аҳвол худди шундай. Районда гўшт, тухум етиштириш ва давлатга сотиш планлари ҳам қониқарсиз бажарилмоқда.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш давлат инспекцияси ва унинг бош инспектори ўртоқ Маҳмудов ишда жонбозлик кўрсатмаётир. Инспекция ходимлари колхозларнинг маҳсулотни ўзлари келтириб беришларини кутиб, жойларда ишни яхши ташкил этмаётирлар. Район партия, совет ташкилотлари давлат инспекциясининг ходимларидан масъулият талаб қилмайдилар, уларнинг ишларига яқиндан ёрдам бермаётирлар.

Хева районида фермалардаги ишларни механизациялашга, моллари боқишда прогрессив усулларни қўллашга етарли аҳамият берилмаётир. Райондаги 8 та колхозда сигирларни «Арча» усулида соғиш жорий этилган эмас. Колхозларда хашак майдалайдиган машиналар етарли бўлишига қарамай, молларга ўт майдаланмасдан едирилмоқда. Булар натижасида район чорва маҳсулотлари етиштиришда судралиб қолмоқда. Район гўшт тайёрлаш планини фақат 49,1 процент, сут тайёрлаш планини 42,3 процент бажарди.

Областда чорва моллар туёғини ошириш планлари ҳам бажарилмаётир, айрим колхоз ва районларда моллар сони ҳатто камайиб кетмоқда. Область колхозларида кейинги 7 ой мобайнида сигирлар сони 994 бош камайиб кетди. Ҳар юз бош сигирдан ўтган йилги 51 бош ўрнига фақат 41 тадан бузоқ олинди, холос. Совлиқлардан ҳам кўзи ана шундай кам олинди. Ҳа эса гўшт ва сут етиштиришни кўпайтиришга салбий таъсир қилмоқда. Областда гўшт етиштириш юзасидан олинган мажбурият 32,6 процент бажарилди, давлатга 3268 тонна гўшт сотилди. Ҳар бир сигирдан ўртача 320 килограммдан сут соғиб олинди, холос.

Хоразмда чорва маҳсулотларя етиштиришнинг ўтган йилдагидан ҳам камайиб кетишига, чорвачиликнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигига область партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органларининг ходимлари ҳам айбдор. Чунки улар кейинги вақтда чорвачилик ишларига раҳбарлик қилишни бўшаштириб юбордилар, чорва маҳсулотлари етиштириш юзасидан олинган мажбуриятни тўла бажариш учун зарур тадбирларни амалга оширмаётирлар. Чорвачиликни ривожлантиришга бефарқ қараш ҳолларига қарши курашмайдилар.

Бутун совет халқи КПСС XXII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун астойдил курашмоқда. Съезд шарафига бошланган социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда. Хоразм область партия ва совет ташкилотлари, район партия комитетлари, колхоз партия ташкилотлари, қишлоқ коммунистлари мусобақага тўла бошчилик қилиб, чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш, маҳсулот етиштириш кўпайтириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашлари керак. Бунинг учун областда ҳамма имконият ва резервлар бор.

С. ИБРОҲИМОВ,
«Қизил Ўзбекистон»нинг Хоразм область мухбири.

СУРАТДА: Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхознинг сут соғувчиси ўртоқ М. МУРОДОВА. У кўп сут соғиш юзасидан олган мажбуриятини КПСС XXII съезди очиладиган кунгача бажариш учун курашмоқда.

А. Тўраев фотоси.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

ҚУНҒИРОҚЛАР ЭРТАЛАБ ЧАЛИНАДИ

Янги ўқув йилининг бошланишига беш кун қолди. Ҳозир республикамизнинг ҳамма ерида ана шу кунни кутиб олиш учун пухта ҳозирлик кўриляпти. Ўқувчилар портфелидаги дарсликларнинг бутлигини кўздан кечиряпти, мураббийлар янги ўқув йилининг улкан режаларини тузяпти, бинокор мактаб учун қурилаётган хоналарнинг охирги пардоз ишларини тугатяпти.

Ҳа, бу йилги мактаблар қурилишининг кўлами ҳар йилгидан кўра кенгдир, чунки, янги ўқув йилида деярли ҳамма мактабларда машғулотлар фақат эрталаб ўтказилади.

ҚИРҚ ТЎРТ ҚЎШИМЧА СИНФХОНА

Янги ўқув йилида ҳам МАШҒУЛОТЛАРНИНГ БИР СМЕНАДА ЎТИШИ УЧУН жарқўрғонликлар МАКТАБЛАРГА ҚИРҚ ТЎРТТА ҚЎШИМЧА СИНФХОНА ҚУРИБ БЕРАМИЗ, деб аҳдлашган эдилар. Ҳозир 40 дан ортиқ синфхона тахт қилиб қўйилди. Қолган синфхоналар ҳам, — деб хабар қилинади Сурхондарё область «ЛЕНИН БАЙРОҒИ» газета саҳифасида, — битай деб қолди. 4 та саккиз йиллик мактабга янги бино қуриб берилди. Шунингдек яна етти мактаб учун янги бинолар қуриляпти. Буларда қурилиш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Булар ёш авлодни ўқитиш ишини янада юксалтириш чораларидир.

КЎЗИ ОЖИЗЛАР УЧУН ЯНГИ МАКТАБ-ИНТЕРНАТ

Партия ва ҳукуматнинг ёш авлодга кўрсатаётган ғамхўрлиги ғоят чексиздир. Бизда ҳамма нарса болалар бахт-саодати, уларнинг қувончли порлоқ келажагини таъминлашга қаратилган. Самарқандда кўзи ожизлар учун қурилган янги мактаб-интернат — шу ғамхўрликнинг яна бир ажойиб ифодасидир.

— Бу мактаб-интернат дейилади, — Самарқанд областида чиқадиган «ЛЕНИН ЙЎЛИ» газетасида, — сентябрдан ишга тушади. Унга уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган кўзи ожиз ўғил-қизлар қабул қилинади.

МАКТАБ-ИНТЕРНАТ ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАХТ ҚИЛИБ ҚЎЙИЛДИ. УНДА БОЛАЛАР ТЕКИН ОВҚАТ, УСТ-БОШ ВА ЕТОҚ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ.

БУ ЙИЛ ҲАМ МАШҒУЛОТЛАР БИР СМЕНАДА ЎТАДИ

Ғиждувон район халқ маорифи бўлимининг мудири Рўзи Муқимов «БУХОРО ҲАҚИҚАТИ» газета саҳифасида босилган мақоласида район халқ маорифи ходимларининг фикрини ифодалаб шундай деган.

У айтган гапнинг жони бор. Мақолада кўрсатилишича, мактабларда бу йил ҳам бир сменали машғулотларни сақлаб қолиш юзасидан берилган топшириқлар деярли бажарилган. Қишлоқ жамоатчилиги ва колхозлар ёрдамида 60 синфхона, 15 ўқув устахонаси, 22 фан кабинети, 5 теплица қурилди.

Янги ўқув йилида районда 31 та саккиз йиллик, 11 та ўн бир йиллик мактаб ва куни узайтирилган мактаб ҳамда группалар ишлайди.

ФАҚАТ ЭРТАЛАБ

«СОВЕТ ҚАРАҚАЛПАҚСТАНИ» газетасининг хабар беришича, Тўрткўл районида аҳвол ёмон. Бу ерда янги мактаб бинолари, қўшимча синф хоналар қурилиши хаддан ташқари чўзиб юборилмоқда.

Тўрткўл район партия, совет ташкилотлари бу масалани жуда оператив ҳал этишлари зарур.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИДА МАКТАБЛАРИМИЗДА ҚУНҒИРОҚЛАР ФАҚАТ ЭРТАЛАБ ЧАЛИНАДИГАН БЎЛСИН. ШУНГА ЭРИШАЙЛИККИ, ЎҚУВЧИЛАР ДАРСНИ ЭРТАЛАБ ЎҚИБ, ТУШДАН КЕЙИНГИ ВАҚТЛАРДА МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНСИНЛАР.

Оламда нималар гап

ҲИНДИСТОН Ж. НЕРУНИНГ СССР ГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИНИ ҚУТЛАМОҚДА

ДЕҲЛИ, 25 август. (ТАСС). Ҳиндистон бош министри Жавоҳарлал Нерунинг Совет Иттифоқига визит билан боражаги тўғрисидаги хабарни Ҳиндистон жамоатчилиги зўр мамнуният билан қутиб олди. Бу воқеага Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги тинч, яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш ҳамда бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига қўшиладиган янги муҳим ҳисса деб қаралмоқда.

Совет ҳукумати бошлиғи Н. С. Хрушчевнинг дўст Совет Иттифоқига келиш ҳақидаги таклифи бош министр Неру томонидан қабул қилинганлиги тўғрисидаги Ҳиндистон ташқи ишлар министрлигининг расмий ахборотини бугун Ҳиндистоннинг барча марказий газеталари босиб чиқарди.

«Совет бош министри Н. С. Хрушчев билан алоқаларни янгилаш учун бош министр Нерунинг Совет Иттифоқига боришидан мен бахтиёрман, — деди ТАСС мухбири билан суҳбатда Деҳли мэри Шам Натх.— Умидворманки, бош министр Нерунинг визити Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларда кескинликни камайтириш ишига ҳисса бўлиб қўшилади».

Ҳиндистон парламентининг депутати, ҳукмрон Ҳиндистон миллий конгресси партиясининг аъзоси Иоахим Алва ҳам Ж. Нерунинг Совет Иттифоқига визит билан боражаги муносабати билан зўр мамнуният изҳор қилди.

ИҒВОГАРЛАР ЯНА БИР МАРТА ОГОҲЛАНТИРИЛДИ

БЕРЛИН, 25 август. (ТАСС). АДН агентлиги хабар беради: Ғарбий Берлиндаги иғвогарлар 24 августга ўтар кечаси Германия Демократик Республикасининг пойтахти билан Ғарбий Берлин ўртасидаги чегарада икки жойдаги чегара иншоотларини бузишга уриниб кўрдилар. Германия Демократик Республикасининг ички ишлар министрлиги 24 августда Ғарбий Берлиннинг барча гражданларига мурожаат қилиб, уларнинг ўз хавфсизлиги манфаатлари юзасидан чегарада иғвогарлик мақсадидаги ҳар қандай тўпланишдан тийилиб туришга даъват этди. Ички ишлар министрлиги бундан аввал Германия Демократик Республикасининг хавфсизлигини таъминловчи қўшинлардан камида 100 метр масофада Ғарбий Берлин томонида туришни тавсия этган эди.

Ички ишлар министрлиги матбуот бўлимининг ахборотида айтилишича, кечаси қилинган ана шу ҳар иккала иғвогарлик Ғарбий Берлин сенатининг фармойиши билан ўтказилган бўлса керак.

АЛАМ ҚИЛГАНИДАН

НЬЮ-ЙОРК, 25 август. (ТАСС). Совет ҳукумати томонидан АҚШ ҳукуматига юборилган нота Вашингтонда дарғазаблик билан қутиб олинди. Вашингтонда уруш васвасаси вазияти ҳамон сунъий равишда қўллаб-қувватланмоқда.

Ғарбий Берлиннинг ҳаво йўлларидан фойдаланишда АҚШ, Англия ва Франция томонидан йўл қўйилаётган суиистеъмолликларнинг фош қилиб ташлангани Вашингтондаги расмий доираларни асабийлантириб қўйди. Афтидан, Совет Иттифоқининг бундай практикага қарши осойишталик билан огоҳлантириб айтган сўзлари бу доираларга жуда алам қилганга ўхшайди.

Совет нотаси муносабати билан кеча кечқурун Оқ уй дарғазаб оҳангда баёнот эълон қилди. СССР нотасида кўрсатилган фактлар ҳеч қандай далил-исботсиз бу баёнотда инкор этилади. Ғарбий Германия реваншчиларининг иғвогарликдан иборат хатарли фаолияти эса «қонуний» характердаги фаолият, деб эълон қилинади.

Афтидан, урушқоқлик жазаваси Вашингтондаги расмий доираларнинг Совет ҳукумати нотасида асослаб берилган мулоҳазаларни хушёр кўз билан ўйлаб кўришларига ва бу мулоҳазалардан зарур хулосалар чиқариб олишларига ҳалақит бераётган бўлса керак.

ЖАЗОИРДА ЖАНГЛАР

ПАРИЖ, 25 август. (ТАСС). Париж матбуотининг хабар беришича, ҳозирги вақтда Бу Саад деган жойга яқин ерда (Жазоир департаменти) Жазоир миллий-озодлик армиясининг отрядлари билан француз қўшинлари ўртасида қаттиқ жанглар бўлаётир. Блид шаҳри районида рўй берган тўқнашувлар натижасида уч француз солдати ўлдирилган. Сетиф районида жазоирлик ватанпарварлар француз ҳарбий постига атака қилиб, бир офицерни ўлдирганлар ва икки жандармчини яраб қилганлар.

РАССОМЛАР УСТАХОНАСИДА МАРКАЗИЙ ФАРҒОНАДА



Ўзбекистон рассомлари В. КАЙДАЛОВ, А. ВЕНЕДИКТОВ, А. НАЗИРОВ ўртоқлар чўлларни бўстонга айлантираётган совет кишилари хаётини ўрганиб, бир қанча асарлар яратдилар. Бу асарларда қўриқ ерларни ўзлаштираётган азаматларнинг типик образларини, инсон меҳнатини енгиллатаётган қудратли совет машиналарини кўрамиз. Бу ерда шу расмлардан баъзиларини эълон қилмоқдамиз. Расмларда: 1. Ёзёвон массивида 2. «Ферганводстрой» 12-участкасининг отряд бошлиғи В. ГОЛОВЧЕНКО. 3. Илғор бульдозерчи Х. ДАДАЖОНОВ.

ҚУШГА ҚАНОТУ ИНСОНГА БАХТ!

(Боши учинчи бетда)

— Тўғрику-я, раис, аммо мен энди машина йўлида ўша тўсиқлар йўқ демоқчи эдим.

— Тўғри, ўша тўсиқлар йўқ, — деди Аҳмаджон, — лекин бошқачасини, пардага ўралганини кўрмаяпсиз. Эсингиздами, ўзоғ йили Меликўзи бошқа колхозларга ҳам теримга бориб келганда, «баъзилар машинага энди индамай қаршилик кўрсатишяпти», деганда кўп одам кулган эди.

— Машина даврида яшаб туриб кетмон даврининг қадамидан қутилолмаганлар ҳали ҳам бор. Булар оддий колхозчи эмас, — деди Аҳмаджон, стол устидаги дўпписини қўлга олиб, унинг ярим ой нусха гулига разм солиб, бармоғининг учи билан уни аста чертиб. — Ана шунисга алам қиладаи. Яқинда бир неча раис ҳамсафар бўлиб қолдик. Қўшни район раислари ҳам бор эди. Раислар бирга бўлганда, албатта, бир-бирининг иш тутимини билгиси келади. Суҳбат мавзуи ўз-ўзидан шунга бурилади. Огайнилардан бирининг мақтангиси келдими, ўтган огир кузда колхозчиларнинг фидойилигини мадқ қилди. Колхоз давлатга беш сотиб, мажбуриятини ҳам ошириб бажарибди.

— Агар терим бошиданоқ гвардиячи отряднар тузмаганимизда биз ҳам ер чизиб қолардик, — деди ўша огайним.

— Теримда ўрта ҳисоб билан бир килограмм пахтага қанча сарф бўлди? — деб сўрадим.

Бир сўмдан деги келмади шекилли, бир пас ўйлаб туриб:

— Янги пулга чаққанда салкам ўн тийиндан, — деди.

— Гвардиячиларингиз нуқул пияда экан-да, машина минадиган йўқмиди?

У аллақандай истеҳзо билан мийиғида кулиб жавоб қилди:

— Бору мазаси бўлмади, беш юз тоннага аранг етказишди.

— Нечта машина?

— Ўнта.

— Йўғ-е, биттаси кунига уч тоннадан терганда ҳам ўттиз тонна бўларди. Тердиролмапсизлар, — дедим.

Ҳамсуҳбатим яна мийигида кулди. Кейин чала-ярим қилиб бўлса ҳам кўнглидагини очиқ айтиб қўя қолди.

— Қўл кучи... Ҳисобингиз тўғри-ку, лекин унда колхозчига нима иш қилдирамиз? Гапнинг лекини шу...

Ўша суҳбатдан бери шу гап кўнгилдан кетмайди, эсга тушса юракнинг аллақаерини тикон бўлиб гирнайверади. Биласизларми, — деди Аҳмаджон хаёл суриб, — каллада пахтани машинада терадиган бўлсак колхозчига нима қолади, деган саволнинг туғилгани яхши. Аммо бунинг тагидан янгиси —энди қайси тармоқни кенгайтириш, яна қандақа янги тармоқ очиб, одамнинг куч-идрокини шунга солиш керак, деган савол чиқиши керак. Бўлмаса, «нима иш қилади?» деган савол ҳавода осилиб қолади, эгасини олдинга итармайди, орқага тортади. Ахир, машина деҳқоннинг мушкулини осон қилсин, хўжаликнинг бор тармоқларини кенгайтиришга, янгисини топишга йўл очиб берсин, деб чиқарилган-да. Яхшироқ ўйлаб кўрилмаса, кичикна дўнг ҳам тоғ бўлиб кўринади, ахир! Дадил қадам босилмаса, янгиси топилмайди, топилмагандан кейин колхозчига кузда пахта теришдан бошқа нима машғулот қолади? Бу ҳам майли-я, ёғингарчилик бошланиб, совуқ тушганда, безовта бўламиз, ўшанда кўзимизга бошқа ҳеч нима кўринмай қолади, бошқа ишдагиларни ҳам олиб келиб пахтага соламиз. Назаримда, шу янгини топиб очмаган калла энди иш бермайди, янгидан қўрққан юрак одамларни орқага тортади. Ё нотўғримми, Ўлмас бува? — деди Аҳмаджон гапга қулоқ бериб ўтирган мўйсафидга қараб.

Юнсалишни фақат машина орқали кўрадиган Ўлмас бува, қисиқ кўзлари йилтиллаб қаддини ростлади:

— Тўғри айтдинг, ўғлим. Кўрқоққа қўшалоқ кўринади, — деди у, ўзи яхши кўрган мақолни такрорлаб, — гапни эшитиб туриб, хўп ўйладим: бизнинг колхозимизга шу ўттиз беш процент деганинг ҳам бу йил учун кам, ҳа, кам, ўғлим. Пулимиз етса, янги машинадан яна олиш керак. Яна бир нарсани ўйладим: ҳукумат пахта кўпайсин деб одамларга орден беради, кўкрагига олтин юлдуз тақиб қўяди-а? Шу машинага кўнгли билан юз ўгирмаган колхоз бошлиқларини, қанча катта ҳосил кўтарсалар ҳам, орден ва бошқа мукофотидан маҳрум қилиб қўйса яхши бўлармиди дейман. Кўнглимдагини яширолмадим. Хато бўлса мен чоғни кечиринглар. Яна битта гап бор: шундақа раисларни-ку район яхши танийди-я, аммо нимага ушлаб турарки-н-а? Ўйлайманки, ишкалининг биттаси шу...

Акбар ака аста йўталиб, шерининг фикрини бўлди. Унинг нимадир деги бор. Ҳамма унга қаради. У оқини энди одамлардан беркитмайдиган қуюқ мўйловини силаб деди:

— Халқнинг арқони узун, қўйиб берди-ю, бир кунмас-бир кун, барибир, олиб ташлаб, ўрнига калласи яшлайдиганини топиб қўяди. Лекин шунгача жавр бўлади. Шунинси ёмон.

Аҳмаджон суҳбатни ўз оқимига қўйиб бериб, одамларга разм солди. Кексаларнинг қўйниб айтган гапидан, сўз орасига қистирилган луқмалардан, бригадирларнинг эътиборидан колхоз ишларини энди тамоман механизацияга кўчиришнинг истиқболи ва бу йўлда қўйиладиган қадам ҳақида каттароқ гап очиш мавриди келибди деган хулосага келди. У Попдаги ўша лекциядан кейинги текшириш, таққос ва таҳлилларни қайта ўйлаб олди. Теримга тайёргарлик муносабати билан ўз-ўзидан бошланиб кетган бу суҳбат ҳозир унга гурумсаройликлар карвони бораётган манзил йўлига яна бир назар ташлаш, тезроқ етиш, унинг босқичларини кўздан кечириш учун маънавий куч, руҳий озиқдай туйилди.

— Қонни қазийверсангиз тагидан янгиси, сараси чиқаверади.— деди у босиқ товуш билан. — Шу механизация деган сўзни мен болалигимдан бери эштиламан, қайта-қайта ўқиганман. Аммо, назаримда, бу сўзнинг маъгизини энди чақаётганга, тагига энди етаётганга ўхшайман. Балки, шунинг учунми, бу менга тамом янги, беҳад каттадай туюлади. Борлиқ ишимизнинг калити шундами дейман.

У бир нафас жим қолди. Пешонасини уқалаб, гўё тезисга кўз ташлагандай блокнотни варақлади-да яна ёпиб, сўзида давом этди:

— Ҳа, унинг мазмунини очишга энди ўрганяпмиз. Масалан, олдин ғўзани узунасига, бора-бора кўндаланигига ҳам культивация қилишни ўргандик. Кейин пахтани машинада теришни... Назаримда, булар ҳаммаси ишимиздан қўл меҳнатини бутунлай қуриб чиқаришга ўтиш учун солинган кўприк бўлди. Кўприкни қуриш қанча узоқ, қийин бўлган бўлса, буниси ундан осон бўлмайди: одамлар нима иш қилади, деган саволга жавоб топиш, одамларга колхознинг ўзидан янги иш майдони очиш — йўлимиздаги ана шу тўсиқни олиб ташлаш керак бўлади. Қийину лекин тез олиб ташлаш керак. Биласиларми, ундан кейин... мундоқ ўйлаб кўринглар-а, ундан кейин нима бўлади? Ундан кейин қишлоқ ҳам, одамлар ҳам ўзгариб кетади, ҳаёт бошқача бўлади. Механизаторлар тонгдан қоронғигача эмас, йўқ, икки смена бўлиб ишласа... биласизларми, унда нима бўлади? Меҳнат унумдорлиги беҳад ортади, қишлоқда шундай бир шароит туғиладики, колхозчилар ҳам завод-фабрикалардаги ишчиларга ўхшаб олти-етти соат ишлайдиган, ҳар йили меҳнат отпускаси оладиган бўлади. Кейин.... — деди Аҳмаджон ва бир пас ўйланиб қолди.

— Хўш, хўш, кейин нима бўлади? Айт-айт! — деди иягини ушлаб, ундан кўз узмай ўтирган Акбар ака.

— Ундан кейинми, — деди Аҳмаджон. — ундан кейин кексалар роҳатда, ёшлар...

— Йўқ... Бизни ҳали меҳнатдан қолдиролмайсан. Боғ айланмасдан, янгисини экиб, пайванд қилмасдан... бир кун ўйда ўтиролмаймиз-у. Йўқ! Сен бу гапингни қўй, ундан кейин нима бўлади? Шуни айт!

— Айтдим-ку: роҳатда яшайсиз... Дам оладиган, томоша кўрадиган ўқиб ҳунар-касб ўрганадиган жойлар шу ернинг ўзида бўлади...

— Бу тўғри. Аммо шу икки сменага ўтиш йўли қанақа бўлади? — деб сўради машҳур уста Сайдали Эргашев.

— Йўлими? — деди Аҳмаджон, — йўли шуки, қишлоқда ҳар бир ёш колхозчи механизатор бўлиши, механизмни ўзи эгарлаб минадиган бўлиши керак. Бунинг ҳисобкитобини ҳозир чиқариб қўйиш зарур. Масалан, пахтачиликда, чорва, боғдорчиликда, бошқа тармоқларда техниканинг неча тури ишласа — бўларга қанча, қанақа касб-ҳунар эгаси керак бўлади? Буларни тайёрлашга ҳозирдан киришмоғимиз зарур. Қийин-а?

— Осон эмас. Ахир..., — деди Мирзаабдулла.

— Тўғри, осон эмас. Биласизми, — деди Аҳмаджон саволига ўзи жавоб бериб, — илгари, ҳатто беш-олти йил олдин ҳам, шу касб эгаларини колхознинг ўзида тайёрлаймиз десак, бунга ҳеч ким ишонмасди, ақлга сиғмасди. Чунки, унда бу гапнинг замини йўқ эди. Энди-чи? Энди ўзимизда имкон ҳам, бунга шароит ҳам бор. Ҳаммаси бор. Ҳозир энг мураккаб механизмнинг ҳам ичак-чавагини очиб, дарди бўлса айтиб берадиган бўлдик. Шу «ХВС» энг яхши машина-а? — деди у Меликўзига қараб. — Шунинг ҳам нуқсонини топиб айтдик-ку. Ўша гапингни ўзинг айтиб бер, огайни...

Меликўзи ўрнидан турди:

— Ҳозир бунга тенг келадиган машина йўқ. Конструкторига тан берамиз. Аммо терган пахтанг ўттиз центнерга етганда шундай қалтирайдики... узилиб кетай деб туради. Беҳад огирлигидан-да шу. Агар енгил бўлса, қалтирамайди. Конструкторлар кўзда тутмаган яна бир камчилик бор. Буниси шуки, битта чопиқ трактори йилига икки ойча ишлайди, холос.

— Ана кўрдингми, — деди Аҳмаджон унинг сўзини бўлиб. — бункери, бошқа механизмлари бақорда олиб қўйилса-ю, трактор экиш, культивацияда ишласа, кузда ўрнатиб пахта теришверса... механизация комплекс бўлгандан кейин машина ҳам ҳар йилга юрадиган бўлиши керак-да. Бўлмаса, ҳар ишга алоҳида машина олаверсангиз, биласизми, қанча механизм йиғилади, қанча харажат бўлади бунга? Эҳ-ҳ-э!.. Агар ана шундай комплекс машиналар тезроқ чиқарилса, ақалли хўжаликнинг пахтачилик тармоғида тўла икки сменага ўтиб олсак... Биласизларми, ундан кейин нима бўлади? — дея ўртага савол ташлади у.

Лекин ўтирганларнинг ҳаммаси ҳам шу яқин келгусини кўнгил нури билан кўрар, шу ҳаракат қанотида парвоз қиларди. Аҳмаджон уларни бир-бир кўздан кечирдида, кейин ўзи жавоб берди:

— Биласизларми, ундан кейин... Қишлоқда дастлаб келтирилган ўша «бўталоқ» трактор, ўша беўхшов «терим машинаси»нинг нусхаси ҳозир музейларда-а? Ўшалардан бошлаб қудрати тоғни йиқитадиган ўнлаб машиналаргача ҳаммасини бирма-бир минг, кўзимизни кам ўргатди, кўзимизга буларни кам, ҳаракатимиз олдида ожиз кўринувчи қилган ким? Механизатор! Энди кўзимизга қишлоқ, ундаги ҳаракат битта шу сўзда кўринадиган бўлиб қолди. Механизатор кўзимизни шундай кўришга соқол олдиришга ҳам вақтини қизғаниб, тўғрироғи, ҳануз тойг қоронғисидан қош қорайгунча пахтазор ичида машина суриб ўргатди. Биласизларми, кунига бирор соат бўш вақт топсам ҳам, касддан Меликўзилар олдига бораман. Ё ғўзанинг бирор жойидан нуқсон топаман, ё бирор янги иш устида маслаҳат соламан. Бўлмаса чиқиб дам олишга ҳам вақтни аямайди булар. Бир ўйлаб кўринг-а, бизнинг механизаторларимиз ҳеч қайси завод ишчисидан кам ҳақ олмайдилар? Нима, буларнинг кунига олти-етти соат ишлаб, бўш вақтда дам олгиси, ўқигиси, томоша кўргиси келмайдими? Келади! Биз коммунизм қуряпмиз, ахир! Йўқ қишлоқдаги меҳнат шароитини заводдаги билан тенг қилиш ишки буларни тиндирмайди...

Илгари буни кўрмасдик. Еки кўзимиз хирамиди-а?.. Назаримда, ҳозир шу нуқсон йўлимизда тўғоноқ бўлиб тургандай. Йўлимиздан уни олиб ташлаш қўлимиздан келмайдими ё? Келади! Шу қўл билан шундай катта бахт дунёсини қуряпмизу. Келади! Икки сменага, — деди у сўзини якунлаб, — қанча тез ўтсак, бораётган манзилимизга шунча тез етамиз. Партия янги Программасининг проектида шундай деб ёзилган. Шундоқми, шер? — деди у Меликўзига бош иргаб.

Ҳамма жим, ҳеч ким кўзғолмасди, гўё, гурумсаройликлар юра-юра охири етган Бахт дунёсининг муаввар биносини томоша қиларди.

Ниҳоят, Ўлмас бува қўзғалди. Турар экан, суҳбатни халқ ҳикматли сўзи билан якунлади:

— Ҳа, қушга қаноту инсонга бахт!

ЧЕТ ЭЛ ТЕЛЕГРАММАЛАРИ

⊙ БУДАПЕШТДА социалистик мамлакатларнинг суғориш масалаларига бағишланган конференцияси очилди. Конференция ишида Болгария, Венгрия, Чехословакия, Польша, Германия Демократик Республикаси, Румния ва Совет Иттифоқи вакиллари қатнашмоқда. Конференцияда суғориш масалалари билан шуғулланувчи халқ аро комиссия тузишга қарор қилинди.

⊙ «ЯПОНИЯ-СССР» жамияти Токиода япон-совет дўстлиги кечасини уюштирди. Совет савдо-саноат виставкасининг очилганлиги муносабати билан бу ерда меҳмон бўлиб турган икки совет олими М. Иовчук ва Н. Некрасовларнинг сўзларини эштиш учун Токиодаги залдардан бирига икки мингдан ортиқ киши тўпланди.

⊙ ФРАНС ПРЕСС АГЕНТЛИГИ МУХБИРИнинг Гонконгдан хабар беришича, кейинги вақтда у ерда 57 кишининг вабо касалига мубтало бўлганлиги рўйхатга олинган, 6 киши бу касалдан ўлган.

⊙ ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА энцефалит касалига дучор бўлиш ҳоллари кўпайган. Рейтер агентлигининг Сеулдаги мухбири берган хабарга кўра, Жанубий Кореянинг шарқи-шимолий вилоятларида кейинги олти кун ичида 104 киши энцефалит касалига дучор бўлган.

⊙ «БАНГКОК ПОСТ» ГАЗЕТАСИНИНГ ХАБАР БЕРИШИЧА, полиция Након Паном вилоятида 15 кишини «коммунистик фаолият»да ва шарқи-шимолий вилоятни Таиландан ажратиб олишга уринишда айблаб, қамоққа олган.

(ТАСС).

ҚОВУН САЙИЛИГА!

«Қовун сайилига, марҳамат дўстлар!». Кеча кечқурун пойтахтимизнинг Пушкин номли маданият ва истироҳат боғида Тошкентдаги Калинин, Оржоникидзе ва Янгийўл районларидаги миришкор деҳқонларнинг қовун сайили бошланди. Асал бўлиб кетган қовунларнинг таъмини, ширин-шакарлигини аниқлаш учун ана шу уч район ўртасида ширинан ўйнаш бошланди.

Пушкин паркига 150 тоннадан ортиқ қовун-тарвуз келтирилди. бугун яна шунча қовун-тарвуз, мўл-кўл узум келтирилиб, меҳнаткашларга сотилади.

Максим Горький номли маданият ва истироҳат паркида «Тошкентликлар, сизлар учун!» деган катта кўргазма очилиб, бунда шаҳар аҳолиси учун қандай маҳсулотлар, қанақа ноз-неъматлар етказиб берилаётганлиги кенг намойиш қилинмоқда.

Тельман номли паркда Юқори Чирчиқ районидаги миришкор деҳқонлар ҳам кимнинг қовуни ширин деб қовун сайили бошладилар. «Победа» ва Шумилов номли паркларда ҳам ана шундай сайиллар бўлмоқда.

Янги новвойхоналар

Ленин районидаги Сталин номли колхозда тўртта новвойхона қуриб ишга туширилди. Новвойхоналарда ҳар куни тўрт-тўрт ярим минг дона нон ёпилиб, колхозчиларга тарқатилмоқда.

Р. ХОЛМАТОВ.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

ЭЪЛОНЛАР. ТОМОШАЛАР.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

27 АВГУСТДА

12.00 — Физкультура билан шуғулланинг. 12.20 — Дўстларинг номли киноповесть (ўзбек тилида). 13.40 — Адабиёт ва санъат ходимлари КПСС XXII съездига (рус тилида Санъат музейидан репортаж). 18.30 — Катта ҳаёт сари (болалар учун фильм). 18.50 — Телевизион янгиликлар. 19.20 — Бугунги Қараганда (ўзбек тилида ҳужжатли фильм). 19.30 — Шахтёрлар куни (шу кунга бағишланган эшитириш) ва концерт. 21.20 — Олий принцип номли чех бадиий фильми.

28 АВГУСТДА

19.00 — Рустам (мактаб ўқувчилари учун ўзбек тилида телеинсценировка). 19.25 — Телевизион янгиликлар. 19.45 — Санъат ходимлари КПСС ҳақида (ҳужжатли фильм). 20.05 Совет характери циклидаги эшитириш. 20.30 — Здоровье телевизион журнали. 21.00 — Жанговар қўшиқ билан (Совет Армияси жангчилари учун). 21.50 — Тенгдошлар номли бадиий фильм (ўзбек тилида).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Кафанов номли парк, Халқ ижоди уйининг ёзги театри) — 27/VIII да Шопеннана ва балетлардан парчалар, 29/VIII да Севилья сартароши.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — 27/VIII да Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим... спектакли. (ёзги бино) — 28/VIII кеч соат 8 да Алишер Навоий номли опера ва балет театри артистларининг концерти.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 27/VIII кеч соат 8 да Ўзбек давлат филармонияси солистларининг концерти.

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Нотаниш аёлнинг хати — «ИСКРА» (кеч соат 7 гача), «МИР», «ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Хотинли бўйдоқ — «ВАТАН», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кеч соат 7 дан).

Уч юлдуз — «ВАТАН» (эрталаб соат 9 ярим ва кундуз 12 да), НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10.11-40 минут ва кеч 10 яримда), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (эрталаб 10, кеч 8 ва 10 да), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Урмон қўшиғи — «ЎЗБЕКИСТОН» (кеч соат 8 ва 10 да).

Париж Момо Марям ибодатхонаси — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2 ярим ва кеч 5 да).

Чол ибн Хаттоб — «СПУТНИК» (эрталаб соат 10 да).

Юлдузлар сари биринчи сафар (кундуз соат 12, 1-10, 2-20 минут, 3 ярим, 4-40, 5-50 минут, кеч 7, 8 ва 10 да). Дунёнинг яратилиши (кеч 9-20 минутда) — КИНОЛЕКТОРИЙ.

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Қизил елканлар — «ХЕВА».

Нотаниш аёлнинг хати — КАФАНОВ номли (кеч соат 8 яримда), «ФЕСТИВАЛЬ», «УДАРНИК».

Тенги эмас — ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 10-40 минутда), ПУШКИН номли (кеч 8 яримда).

Париж Момо Марям ибодатхонаси — ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 8-20 минутда). НАВОИЙ номли, «ШУҲРАТ».

ПУШКИН НОМЛИ ПАРКДА — 27/VIII да Қовун сайили. Концертлар, ҳураш, аскиябозлик, мушакбозлик. Сайил кеч соат 5 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Милиция ходими яйловда

Дармонтой Эралиев Нукуса бирров бориб, бола-чақасининг олдида лоақал бир кун ҳам турмади. У уйида бир-икки кун туриши мумкин эди, уни биров қистаётгани йўқ эди. Аммо Эралиевнинг юраги тошди. Ахир, у ўзи бошлаган ишни охирига етказмаса бўлмайди-да. Хизмат бурчи ва коммунистик виждони шунга даъват қиларди.

Дармонтой яйловга етиб келганда қош қорайиб қолган эди. Чўпонларнинг унга таниш ўтови ботаётган қуёшнинг қип-қизил шуъласига чўмган эди. Дармонтой ичкарига кирди. Уйда бировнинг шарпаси эшитилди. У. Кегайли район милиция бўлимининг ходими Ниятбой Бадалов эди. У керосин чироғи ёқолмай хуноб бўлганидан Эралиевнинг саломига ўша топда жавоб қилмади.

— Салом! — деди у ниҳоят ва гугуртининг нам тортиб колганидан шиқоят қилди.

— Ма, менинг гугуртимни олақол. — деди Дармонтой.

Чироқ ёнди.

— Уйингдагилар тинчми? — сўради Ниятбой.

— Уйдагиларнинг ҳаммаси сиҳат-саломат.

— Министрликда нима гап?

— Ишимизни маъқуллашди ва «давом эттиринглар», деб кўрсатма беришди.

Эралиев билан Бадалов узоқ ўйлашди. Одамларни ўрганишди. Молларни қайта-қайта санаб чиқишди. Лекин жиноятнинг учи топилмади.

Кегайли районидаги «Эркин дарё» совхозида Ўринбой Отиев деган киши мол боқади. У илгари мол ўғирлаб қўлга тушган. жиноий жавобгарликка тортилган ва жазо муддатини тамомлаб келган. Милиция ходимлари унга кўз-қулоқ бўлиб юрдилар.

Эҳтиёткорлик беҳуда кетмади. Отиевнинг қўли эгрилиги ҳақида милиция органларига сигналлар кела бошлади. Қорақалпоғистон АССР Ички ишлар министрлиги жиноят кидириш бўлимининг старший оперативвакили Дармонтой Эралиев Ниятбой Бадалов билан астойдил меҳнат қилишди. Улар кундузи яйловда бўлишар, кечалари эса ўтовда керосин чироғининг ёруғида ведомостларни ва рўйхатларни текширишарди. Отиевни билган одамлар билан бир неча марта суҳбат қилишди, ниҳоят бир-бирига уланиб кетган жиноят иплари ечила бошлади. Отиев бозордан тана сотиб олиб, уларни ўтлоқларга қўйиб юборар, бўрдоқига семирган молларни пешма-пеш пуллар экан. Бундай текин пул топиш ҳам ниҳоят унинг кўнглига тегди. Тана сотиб олиб, семиртириб сўнг сотиб овора бўлишнинг нима ҳожати бор, ундан кўра тайёргинасини сотаверганим қулай эмасми, ишим осонгина кўчади, даромад ҳам улгуржи келаверади-ку, деб совхознинг ўндан ортиқ қорамолини сотио юборди.

Бу ишни Отиевнинг ёлғиз ўзи эплаши қийин эди. Шунинг учун у ўзининг қабиҳ қилмишларига шерик қидириб етти кишини ёнига тортди. Ферма ҳисобчиси Алибоев ва бригада бошлиғи Нуриддинов ҳам унинг тўдасига қўшилди. Шу тариқа совхознинг корамол фермасига катта зарар келтиришди.

Халқ мулкига ҳаром чангалини солиб юрган бу ўғри ва муттаҳамлар милиция ходимларидан қочиб қутула олмадилар. Далиллар олдида қилмишларига иқрор бўлдилар. Жиноятчилар жавобгарликка тортилди.

Чарчаб ҳориган бўлса ҳам қилган ишларидан мамнунлиги чеҳрасидан сезилиб турган Эралиев ўтовга кириб келди.

— Энди Нукусга қайтсак, кутиб ётган ишларимизга киришсак бўлар, деб ўйлади у. Ҳа, уни қизғин ишлар кутмоқда эди.

В. ЛАБУТИН.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ 26 УЙ

КОММУТАТОР — 26334. 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари Партия турмуши — 33469. Пропаганда — 34780. Саноат ва транспорт — 27604. Совет қурилиши — 34780. Қишлоқ хўжалиги — 31226. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32342. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 34435. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри

Р. 01064. Нашр. Б. 201.